



O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

Postda Ha nocty



2025-yil 6-fevral
payshanba

№ 6 (4700)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

Tuman IIBda

YILLAR VA YO'LLAR OSHA



Bo'ka tumani IIB
1965-yilga qadar Piskent
tumani IIBga bo'ysunuvchi
bo'linma sifatida faoliyat olib borgan.
Mana 60 yildirki, o'zi mustaqil holda
huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini
olish hamda unga qarshi kurashishda
salmoqli natijalarga erishib
kelmoqda.

(Davomi 18-betda.)



BIZ – KORRUPSIYAGA QARSHIMIZ

HALOLLIKNI SHIOR ETIB

To'rtko'l tumani IIB JXX HPB profilaktika katta inspektori, katta leytenant Mo'minjon Jumaniyazov taqsimotga asosan, «Ko'hna To'rtko'l» ovul fuqarolar yig'ini hududida o'tkazilayotgan profilaktik tadbirda ishtirok etayotgan edi.



U «Damas» avtomashinasini to'xtatib, uni boshqarib ketayotgan haydovchi X.I. dan tegishli hujjatlarni so'raganida, ularning yonida yo'qligi ma'lum bo'ladi. Qolaversa, suhbat davomida haydovchi spirtli ichimlik iste'mol qilganlikda gumonlangani bois tibbiy ko'rikdan o'tkazilganida, haqiqatan ham, unda mastlik holati tasdig'ini topadi. Shundan so'ng katta inspektor aniqlangan holat yuzasidan qonuniy chora ko'rish uchun atomashinani jarima maydoniga joylashtirib, tegishli hujjatlarni rasmiylashtirishga kirishadi.

Haydovchi X.I. esa unga nisbatan qonuniy chora ko'rmaslik hamda rasmiylashtirilgan hujjatlarni yo'q qilish evaziga 300 AQSH dollari miqdorida pora berishni taklif eta boshlaydi. Xodim unga pora olish yoki pora berish, hattoki unda vositachilik qilish jinoiy javobgarlikka sabab bo'lishini tushuntiradi.

O'zbekiston Respublikasi IIV SHXBB Qoraqalpog'iston Respublikasi bo'yicha boshqarmasi va prokuratura xodimlari bilan hamkorlikda o'tkazilgan tezkor tadbirda fuqaro X.I. To'rtko'l tumani

IIB binosida katta leytenant M. Jumaniyazovga 300 AQSH dollarini bergan vaqtida ash-yoviy dalillar bilan qo'lga olinadi.

Holat yuzasidan tegishli hujjatlar rasmiylashtirilib, hozirda To'rtko'l tumani prokuraturasi tomonidan tergovga qadar tekshiruv harakatlari olib borilmoqda.

Maqolamiz qahramoni to'g'risida qisqacha aytib o'tadigan bo'lsak, katta leytenant M. Jumaniyazov qariyb 21 yildan buyon ichki ishlar organlarida xizmat qiladi. Shu yillar davomida u ustozlarining, hamkasblarining o'g'iti-yu nasihatlariga amal qilib kam bo'lmadi. Halolligi orqali obro'-e'tibor, hurmatga sazovor bo'ldi. Turmush o'rtog'i Dilbar Eshmuradova bilan Abadjan, Oxunjon va Dilnura ismli farzandlarini ham o'zi kabi halol qilib tarbiyalab voyaga yetkazmoqda.

Azamat PIRNIYAZOV,
o'z muxbirimiz.

Qoraqalpog'iston Respublikasi.



HAQIQAT EGILADI, AMMO...

23 YIL KUTILGAN ADOLAT

Iste'fodagi leytenant Ikrom Quliyev Samarqand viloyati Urgut tumani «Pochvon ota» qishlog'ida ishchi-dehqonlar oilasida dunyoga kelgan. 1996-yilda Toshkent avtomobil va yo'llar institutini tamomlagach, ichki ishlar organlaridagi faoliyatini boshlagan. Poytaxt IIB YHXBda inspektor lavozimida xizmat qilayotgan serjant I. Quliyev namunalii ishlari tufayli rahbariyat tomonidan bir necha bor taqdirlanadi. Biroq...

– Ishimni juda yaxshi ko'radim. O'sha davrda «Omad g'ildiragi» ko'rsatuvida YHXB xodimlari o'rtasida o'tkazilgan «Kasbiy mahorat» musobaqasida faxrli ikkinchi o'rinni egallagandim. Hammasi yaxshi ketayotgan edi. Biroq 1999-yildagi fevral voqealari meni hayotning kutilmagan sinovlariga tashladi. Men nohaq xizmatdan chetlatildim. Buni sud orqali isbotlashimga qariyb 23 yil vaqt ketdi. Yurtboshimizning oqilona siyosatlari tufayli adolat baribir qaror topdi, bundan juda mamnunman, – deydi faxriy xodim.

Buyuk yozuvchilardan biri shunday degan ekan: «Hayotda siz uchun eng sevimli bo'lgan kasbni tanlang va siz bir umr ishga bormaysiz». Agar kishi o'z sevgan kasbida ishlayotgan bo'lsa, u hech qachon har kuni ertalab o'zini ishga ketyapman, deb hisoblamaydi. O'z sevgan kasbi bilan shug'ullanish kishiga zavq, xursandchilik, shijoat, rag'bat hamda ma'naviy ozuqa beradi. O'zi yoqtirgan ishini qilayotgan kishi vaqt qanchalar tez o'tib ketganligini sezmay qoladi, u hech qachon bajarayotgan ishidan charchamaydi.

Ikrom Quliyev sud qarori bilan ishga tiklangach, uning da'volari qanoatlantirilib, ish stajlar qo'shilgan holda 2023-yilda ofitser sifatida pensiyaga chiqqan. Hozirda poytaxtimizning Uchtepa tumanidagi 106-sonli umumta'lim maktabida «Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik» fanidan o'quvchi-yoshlarga saboq beradi. Kelajagimiz egalarini vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga bel bog'lagan faxriy hamon xizmatni davom ettirmoqda.

Ikrom aka baxtli oilaboshi. Turmush o'rtog'i, asl kasbi o'qituvchi bo'lgan Dilafruz



opa bilan uch nafar o'g'ilni tarbiyalab voyaga yetkazgan. To'ng'ich farzandi Kozimbek san'at yo'nalishini, o'rtanchasi Shohruxbek Toshkent shahridagi Singapur menejmentni rivojlantirish institutini tamomlagan. Kichik farzandi Avazbek esa logistika yo'na-

cha bo'lgan jarayonlarning barchasi aynan sexning o'zida amalga oshiriladi. Oilaviy korxonaning bejirim kiyim-kechaklari mahalliy bozorda ancha nom qozonishga ulgurgan.

– Mahsulotlarimizni bozorga olib chiqamiz. Ularga talab ancha yuqori. Hatto qo'shni mamlakatlardan kelgan qardoshlarimiz ham sotib olib ketishyapti. Biz faoliyatimizni yanada kengaytirishga harakat qilamiz, – deydi lavhamiz qahramoni.

Ikrom Quliyev san'at shinavandasi hamdir. Bir nechta serial va telenovellalarda qisqa epizod-dagi rollarni ijro etgan. Bo'sh vaqtlarida she'rlar yozib, gitara hamda doira bilan qo'shiqlar xirgoyi qilib turadi.

Ma'lumki, mamlakatimizda transport vositalari bilan bog'liq jinoyatlarning sodir etilishi natijasida, davlat, jamiyat va shaxs manfaatlariga moddiy zarar yetkazilishi, fuqarolar huquq va erkinliklarining poymol etilishi, mulkiy va boshqa zararlar kelib chiqishi mumkin. Ba'zi hollarda mazkur turdagi jinoyatlarning sodir etilishi odamlar o'limiga sabab bo'layotganligi achi-narli holat ekanligini alohida ta'kidlash lozim. Qahramonimiz volontyor faxriylardan. O'z vaqtida YPX inspektori bo'lgani, harakat qoidalarini yaxshi bilgani bois, uni ko'p tadbirlarga, yoshlarga amaliy mashg'ulotlar o'tishga chaqirib turishadi. Faxriy xodim bajonidil bunga rozilik beradi. Buning o'zi ham albatta, vatanparvarlikning yana bir ko'rinishidan darak bersa, ajab emas.

Abror POYONOV,
o'z muxbirimiz.

Toshkent shahri.



lishi bo'yicha tahsil olmoqda.

Quliyevlar oilasi bugungi kunda oilaviy tadbirkorlik bilan ham shug'ullanishadi. Ular o'z tikuvchilik sexida o'ndan ortiq xotin-qizning doimiy ish o'rniga ega bo'lishi uchun sharoit yaratishgan. Mato va xomashyolarning tayyor kiyim-kechak holiga kelguni-



YUKSAK MUKOFOT SOHIBLARI

HAMON IZLANISHDA

Qahramonimiz jinoyat sodir etib, o'z hayotini barbod qilgan, umrining bebaho yillarini tikanli sim ortida o'tkazayotgan kimsalarga achinadi. Mahkumlarni to'g'ri yo'lga boshlash uchun boy hayotiy tajribasini, kasb mahoratini ishga solmoqda. Ularning orasidan kimdir xatosini anglab yetib, tegishli xulosa chiqarsa, dildan quvonadi.

Ichki ishlar organlarida 25 yildan buyon xizmat qilayotgan Reymbay Minajov ilk xizmat faoliyatini Qo'ng'iro't tumanida joylashgan hozirgi 27-son manzil-koloniya boshlagan.

Har bir sohaning o'ziga yarsa qiyinchiliklari bor. Mashqatlarga chidamagan odam hech qachon o'nim topolmaydi. Unga ham dastlab oson bo'lmasdi. Tartib-intizomga qat'iy amal qilinadigan oilada voyaga yetgani uchunmi, bu qiyinchiliklarni yengib o'tdi. Bora-bora «Ish boshi – intizom» shiori uning hayotiy qoidasiga aylandi.

«Sodiq xizmatlari uchun» medali bilan taqdirlanishiga ham ustoz polkovnik Urazbay Kurbanbayevning ko'p mehnatlari singgan. Bu insondan hozirgacha maslahat so'rab turadi.

Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan Davlatimiz rahbarining farmoniga ko'ra mukofotlangan ichki ishlar organlari xodimlari orasida IIV huzuridagi JIED Beshinchi mintaqaviy hududi 12-son jazoni ijro etish koloniyasi boshlig'ining o'rinbosari, podpolkovnik Reymbay Minajov ham bor.

Hozirgi kunda podpolkovnik Reymbay Minajov Qoraqalpoq

davlat universitetining Amaliy psixologiya fakultetida sirdan tahsil olyapti.

– Inson psixologiyasi go'yo ummon kabi cheksiz va murakkab ekan. Uni o'rganganing sari yangi bilimlar qarshingdan chiqaverarkan. Men bu fanni astoydil yaxshi ko'rib qoldim. Kelajakda psixologiya bo'yicha ilmiy izlanishlar olib bormoqchiman, – deydi u.

Katta qizi Toshkent davlat Sharqshunoslik universiteti talabasi. Yana bir farzandi Nukusdagi Al-Xorazmiy nomli ixtisoslashgan maktab o'quvchisi. Ulardan umidi katta. «Bolalarim kelajakda Vatanimiz rivojiga hissa qo'shadigan komil insonlar bo'lib yetishsin», – deb niyat qiladi lavhamiz qahramoni.

Xadicha O'TAYEVA,
kapitan.



XORAZM VILOYATI

Viloyat ichki ishlar organlarida yosh xodimlarning jamiyatdagi faolligini oshirish, bilim va intellektual salohiyatini yuksaltirish, ilg'or g'oya va tashabbuslarini keng qo'llab-quvvatlash maqsadida bir qator tadbirlar amalga oshirilmoqda. O'tgan yilda viloyat ichki ishlar organlarida xizmat qilayotgan 147 nafar yosh xodim zimmasiga yuklatilgan vazifaga mas'uliyat bilan yondashib, samarali natijalarga erishgani hamda o'z bilim va iqtidorini namoyish etgani uchun IIV hamda viloyat IIB rahbariyati tomonidan munosib taqdirlandi.

IQTIDORLI YOSHLAR – YURT TAYANCHI

Xodimlarning kasbiy, jismoniy hamda jangovar mahoratini oshirish maqsadida ko'plab o'quv va amaliy mashg'ulotlar, sport musobaqalari, ko'rik-tanlovlar o'tkazib borildi. Ushbu mashg'ulotlarda 29 nafar yosh xodim sportning professional yo'nalishi bilan shug'ullanib, ijobiy natijalar-

xodimlarning bilimga bo'lgan intilishlarini qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish hamda yoshlar orasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish maqsadida ko'plab ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar o'tkazildi. Natijada olti nafar yosh yigit-qiz ichki ishlar organlari xodimlari o'rtasida o'tkazilgan turli yo'nalishdagi ko'rik-tan-

lardan iborat jamoalari ham «Zakovat», «Ajdodlar izidan» intellektual o'yinlari, voleybol, mini futbol, shaxmat, kurash, suzish singari ko'plab sport musobaqalarining respublika bosqichlarida faol ishtirok etib, g'olib va sovrindor bo'lishdi. Ichki ishlar organlari tizimida xizmat qilayotgan yosh xodimlar bilan o'tkazilayotgan yuzma-yuz muloqotlar, «Rahbar va yosh xodimlar» uchrashuvlari ham iste'dodli yoshlarni kashf etishda kutilgan natijalarni berdi.

Taassurotlarga boy tarzda o'tgan mazkur tadbirlarda viloyat IIBning sohaviy xizmatlari, shahar va tuman ichki ishlar bo'limlari boshliqlari, faxriylar kengashi faollari, yoshlar tashkiloti vakillari, oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari ishtirok etib, yosh xodimlar bilan samimiy suhbatda bo'lishdi, ularning taklif-istaklarini eshitishdi, ilg'or g'oya va tashabbuslari bilan tanishishdi. Tadbirlarda eng faol yoshlarning ibratli ishlari alohida e'tirof etilib, qo'llab-quvvatlandi. Ayni kunda viloyat ichki ishlar organlarining yosh, g'ayrat-shijoatli xodimlari bundan-da samarali natijalarga erishish maqsadida o'quv va amaliy mashg'ulotlarini davom ettirishmoqda.

Temur OTAJONOV,
kapitan.



ni qo'lga kiritishdi. Ularning 13 nafari respublika, 8 nafari xalqaro, 6 nafari qit'a, 2 nafari esa jahon chempionatlarida ishtirok etib, g'olib va sovrindor bo'lishdi.

Shuningdek, «Zakovat» klubi a'zolari tomonidan yosh xodimlar o'rtasida intellektual sog'lom raqobat muhitini yaratish,

lovlarning respublika bosqichida g'oliblar safidan joy olishdi.

Viloyat ichki ishlar organlari tizimida xorijiy tillarni puxta o'zlashtirgan 35 nafar iqtidorli yosh xizmat qilishadi. Ulardan 14 nafari mahalliy, 1 nafari esa xalqaro toifadagi sertifikatga ega bo'lishgan.

Viloyat IIBning yosh xodim-

JARAYON

TANLOV SHAFFOF TARZDA O'TKAZILMOQDA



Ichki ishlar organlari xodimlari safini har tomonlama bilimli, intellektual salohiyatli, jismonan sog'lom va ma'nan yetuk, fuqarolar bilan muloqotga kirishuvchan kadrlar bilan to'ldirish maqsadida ayni kunlarda Farg'ona viloyati IIBning bo'sh safdorlik lavozimlariga tanlov jarayonlari adolatli va shaffof tarzda o'tkazilmoqda.

Test sinovi 3 ta fan bo'yicha – O'zbekistonning eng yangi tarixi, huquqshunoslik hamda tarbiya fanlaridan jami 90 ta savolni o'z ichiga oladi.

Davlat markazi bilan hamkorlikda o'tkazilgan test sinovidan o'tgan nomzodlar tanlovning keyingi jismoniy tayyorgarlik bosqichida qatnashadi.

Ayni kunlarda sinov jarayonlari qizg'in davom etmoqda.

Abduvosit SIDIQOV,
o'z muxbirimiz.

Farg'ona viloyati.

Сотрудничество

В Главном управлении миграции и оформления гражданства МВД Республики Узбекистан состоялась рабочая встреча с делегацией МВД Российской Федерации.

В ходе встречи представители МВД Российской Федерации получили подробную информацию о деятельности Главного управления миграции и оформления гражданства МВД Узбекистана. Стороны обсудили спектр вопросов, касающихся миграционной ситуации в обеих странах, механизмов эффективного взаимодействия.

Соб. корр.

ОБСУЖДЕН СПЕКТР ВОПРОСОВ



Кашкадарьинская область



УЧАСТНИКИ ФЕСТИВАЛЯ «НАКШБАНДИЯ» — В КАШКАДАРЬЕ

В Узбекистане прошли мероприятия в рамках фестиваля «Накшбандия», целью которых стало посещение исторических мест, связанных с пирами данного учения (тариката).

Паломники – около 160 духовных лидеров, богословов и суфийских деятелей из Малайзии, Индонезии, Сингапура, Индии, Брунея и Турции – побывали в Шахрисабзе и Китабском районе Кашкадарьинской области.

Визит был частью запланированного тура по большим городам и ре-

гионам республики, включая Ташкент, Самарканд, Сурхандарьинскую, Кашкадарьинскую, Самаркандскую и Бухарскую области.


В рамках фестиваля участники посетили святыне места в Китабском районе, такие, как «Шейх Мухаммад Имканаги» и «Шейх Мухаммад Дар-

веш Вахшувори», исторический центр города Шахрисабза, включенный в список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО, где расположены древние архитектурные комплексы «Дар ут-тилават», «Дар ут-сиёдат» и «Ак-сарай».

Жавлон АЛЛАЕВ,
капитан.

Социальная защита

ФАКТОР ЭФФЕКТИВНОЙ РАБОТЫ



В целях усиления социальной защиты, материальной поддержки и улучшения условий жизни сотрудников органов внутренних дел и членов их семей в Наманганском областном управлении внутренних дел создана комиссия по вопросам социальной защиты работников сферы.

Обращения, поступившие через платформу «E-Ijtimoiy himoya», рассматриваются своевременно. В прошлом году 267 сотрудников обратились с разными вопросами. По большинству из обращений приняты положительные решения.

Оказывается помощь сотрудникам, нуждающимся в укреплении своего здоровья или здоровья близких родственников, выделяются денежные пособия. Для проведения свадеб и похорон оказана финансовая поддержка 54 сотрудникам, еще 10 – выделены средства для улучшения жилищ-

ных условий. За последние три года 75 сотрудникам, проживавшим на съемных квартирах, выплачены первоначальные взносы для приобретения собственного жилья.

– Ранее моя семья не имела собственного жилья. В минувшем году благодаря льготному ипотечному кредитованию мы переехали в новую квартиру, – говорит специалист МООН старший сержант Ойбек Саримсаков.

Работа в данном направлении продолжается.

Илхомжон ТУРГУНБОЕВ,
старший лейтенант.



МАҲАЛЛАЛАРДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ МАҚСАДИДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ, ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ ПЎЛАТ БОБОЖОНОВ БОШЧИЛИГИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЎРГАНИШЛАР ОЛИБ БОРДИ.

МАҲАЛЛАЛАРДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА Самарқанд тажрибаси оммалаштирилади

Давлатимиз раҳбарининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалиётга татбиқ этиш мақсадида Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи Самарқанд вилоятида ўрганишлар олиб борди.

Ургут туманида ишчи гуруҳ «Мерганча» маҳалласида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва маҳалла еттилиги фаолияти, шунингдек, тартибли меҳнат миграцияси бўйича тақдимот билан танишди. Маҳаллада иш услуби самарасиз ташкил этилгани, профилактика инспекторининг ишлари қониқарсиз эканлиги, шунинг учун маҳалла «қизил» тоифага тушиб қолганлиги таъминлаш бўйича тақдимот билан танишди. Сектор раҳбарлари, ҳамкор ташкилотларнинг масъуллари ва маҳалла еттилиги иштирокидаги йиғилишда туман ҳокимининг «Йўл харитаси» тасдиқланди. Кримноген вазият оғир маҳаллаларда илмий-амалий ёндашувлар асосида жойларга чиққан ҳолда, мақсадли ўрганишларни ўтказиш орқали ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган асл омиллари аниқлаш ва барҳам бериш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўриш мақсадида 7 та кримноген вазияти оғир маҳаллага тегишли раҳбарлар бириктирилди.

Жорий йилнинг 1-чорагида «Дўстлик» ва «Тўрткўл» маҳаллаларида «Ҳуқуқ-тартибот масканлари» қурилиши, тумандаги «қизил» тоифага тушган маҳаллаларга 235 та кузатув камералари ўрнатилиши белгиланди. Шунингдек, эндиликда «Янги Ўзбекистон» массивида 90 дона юзни ва авторакамларни таниб олувчи видеокузатув мосламалари, тумандаги мавжуд бозорлар ҳудуди, 50 та мактаб, 25 та спорт майдончаси ҳам тўлиқ камералар билан таъминланади. 270 та хонадон, 28 та тадбиркорлик ва савдо шохобчаси Миллий гвардия томонидан қўриқловга олинади.

Тайлоқ тумани «Чароғбон» маҳалласида ҳам сектор раҳбарлари иштирокида маҳалла ҳудудидаги «Янги Ўзбекистон» массивида «Намунали хавфсиз кўча»ни жорий



этиш бўйича тақдимот ҳавола этилиб, масъулларга ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасининг «Йўл харитаси» асосида тўлиқ ижро этилишини таъминлаш ҳамда ижтимоий профилактика тизимини самарали йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш, фуқаролар, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш бўйича тегишли тавсия ва топшириқлар берилди.

Пастдарғом туманининг «Гўзалкент» маҳалласида ҳам ишчи гуруҳ аъзолари «Намунали хавфсиз кўча» ва «Намунали хавфсиз йўлак» жорий этиш борасида қилинаётган ишлар

маҳалла «қизил» тоифага тушиб қолганлиги кескин танқид қилинди. Туманда «қизил» тоифада бўлган 7 та маҳаллага раҳбарлар бириктирилди. Шунингдек, кўчаларга 130 та кузатув ҳамда 50 та юзни ва авторакамларни таниб олувчи видеокузатув мосламасини ўрнатиш, тумандаги мавжуд бозорлар ҳудудини тўлиқ камералар билан таъминлаш, тадбиркорлик ва савдо шохобчаларини қўриқловга олиш ҳамда туман ҳудудида мавжуд бўлган кўп қаватли уйларнинг кириш эшикларига замонавий домофонлар ўрнатиш масъуллар зиммасига юкланди.

Тадбир давомида ишчи гуруҳ Жомбой туманининг «Зарафшон» маҳалласида бўлиб, ушбу маҳаллани «қизил» тоифадан чиқариш юзасидан манзилли ишларни ташкил этиш белгиланди. Тадбир доирасида Жомбой тумани тажрибаси мисолида Миллий гвардия инспектор-психолог ходими томонидан Мактаб ва мактабгача таълим бошқармаси масъуллари билан ҳамкорликда «Хавфсиз бола» мавзусида туман миқёсида амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар тақдими ўтказилди. Жараёнда тумандаги мавжуд 56 та умумтаълим мактабида «Хавфсиз бола – хавфсиз мактаб» йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан таклифлар билдирилди.

Оқдарё тумани «Пўлатдархон» маҳалласидаги ўрганишлар доирасида туман хотин-қизлар масалалари бўйича ҳокимият масъуллари томонидан аёллар жиноятчилигининг барвақт олдини олиш бўйича яратилаётган тизим тақдими ўтказилди.

Республика ишчи гуруҳига Самарқанд туманидаги «Қўштамғали» маҳалласида «Ҳуқуқ-тартибот маскани» яратиш, «Хавфсиз бекат»

намунасини ишга тушириш ҳамда «Ёшлар орасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш» борасида режалаштирилган ишлар тақдимот қилинди. Ушбу туман ҳудудида ҳам биринчи чорак давомида 220 та кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларига ташвиш тугмалари ва видеокузатув камераларини ўрнатиш, 29 та савдо шохобчаси ҳамда 220 та хонадонни Миллий гвардия қўриқловига олиш, шунингдек, 30 та кўп қаватли уйнинг кириш эшикларига домофонлар ўрнатиш белгиланган.

Ишчи гуруҳ томонидан Самарқанд шаҳри «Боғисарой» маҳалласида янги ишга туширилган, 5 та маҳаллага хизмат кўрсатувчи «Ҳуқуқ-тартибот маскани»да маҳалла еттиликлари, ички ишлар ва прокуратура органлари, шунингдек, Миллий гвардия ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилди. Жараёнда «Обод ва хавфсиз маҳалла тамойили» асосида «Боғисарой» маҳалласи мисолида ижтимоий профилактика бўйича янги ишлаш тизими тақдимот қилинди.

Ўрганишлар якунида вазир генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов раҳбарлигида ўтказилган ҳисобот йиғилишида маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича ишларни замонавий талабларга мослаштириш муҳим вазифа бўлиб қолаётгани таъкидланди. Хусусан, Ургут туманида «Хавфсиз ва рақамли маҳалла», Тайлоқ ва Пастдарғом туманларида «Намунали хавфсиз кўча», Булунғур туманида «Хавфсиз бозор», Самарқанд шаҳрида «Хавфсиз бекат», Оқдарё туманида «Хотин-қизлар орасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш» намуналарини яратиш вазифаси топширилди.

Ички ишлар вазирлиги томонидан профилактика кичик инспекторлари, миграцион профилактика бўлинмалари, маъмурий амалиёт гуруҳлари ва профилактика бош инспекторлари лавозимларини жорий қилиш ҳамда тегишли штат birlikларини шакллантириш вазифаси топширилди. Бу жараёндаги ишни ташкил этишда Самарқанд шаҳридаги «Боғисарой» маҳалласида янги ишга туширилган «Ҳуқуқ-тартибот маскани» намунасини фойдаланиш топширилди.

Шунингдек, вилоятнинг барча шаҳар-туманларида кримноген вазиятни яхшилаш ҳамда маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш борасида масъул шахсларнинг ахборотлари тингланди, таклифлар кўриб чиқилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.



аҳволини ўрганишди. Жиноятларнинг олдини олиш борасидаги вазиятлар таҳлил этилиб, кримноген вазиятни яхшилашга қаратилган аниқ манзилли тадбирлар белгиланди. Хусусан, туманда биринчи чорада 30 та хавфсиз кўча, 26 та савдо шохобчасини қўриқловга олиш, 4 та одамлар гавжум масканларда «ташвиш тугмалари» ўрнатиш режалаштирилди.

Булунғур туманининг «Гулистон» маҳалласида ўтказилган тадбирда эса ушбу маҳалладаги кримноген вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган иш тўғри ташкил этилмагани, бунда маҳалла еттилиги, туман 3-сектор раҳбари ҳамда ҳудудга бириктирилган масъулларнинг ишлари қониқарсиз эканлиги, натижада

Постановление и его исполнение

В ПРИОРИТЕТЕ ПРОФИЛАКТИКА

Постановление Президента страны от 3 января текущего года «О мерах по созданию безопасной среды и дальнейшему повышению эффективности системы раннего предупреждения правонарушений в махаллях республики в 2025 году» выводит реформы в этой области на новый уровень. Документ определяет в качестве приоритетной задачи представителей ответственных органов и организаций своевременную профилактику правонарушений в махаллях.



При Генеральной прокуратуре созданы координационные штабы республиканского, регионального и районно-городского уровней, обеспечивающие исполнение «дорожных карт».

Согласно данному постановлению, в текущем году будет организована работа 84 пунктов правопорядка, охватывающих 419 махаллей с тяжелой криминогенной обстановкой в

Ферганской, Андижанской, Наманганской, Самаркандской и Ташкентской областях. Впоследствии данная система будет применяться в других регионах. В пунктах правопорядка совмест-

ную службу будут нести сотрудники органов внутренних дел, психологи-инспекторы, группы Национальной гвардии. Предусмотрено внедрение механизма оперативного реагирования для обеспечения общественной безопасности и предотвращения преступлений.

В пунктах правопорядка вводятся должности главных и младших инспекторов профилактики. За каждым пунктом закрепляются до пяти махаллей. Главный инспектор несет персональную ответственность за эффективную организацию ежедневной работы по поддержанию общественного порядка и профилактике правонарушений в махаллях и за выполнение возложенных на пункт задач.

Кроме того, для системной реализации адресной работы с гражданами, вернувшимися из трудовой миграции, выпускниками школ и студентами будут осуществляться меры социальной профилактики. Особое внимание будет уделяться вопросам обеспечения занятости вернувшихся с трудовой миграции лиц. Для этой цели в составе подразделений профилактики правонарушений создаются группы миграционной профилактики.

Азиза БОХОДИРОВА,
капитан.

Грани мастерства

ЗНАНИЯ И ОПЫТ НАСТАВНИКА

Подполковник Мирвохид Мирзахмедов – специалист, способный по мельчайшим деталям восстановить картину дорожно-транспортного происшествия. Его знания и опыт позволяют анализировать техническое состояние транспортных средств, следы торможения, определять траекторию и скорость движения автомобиля.

– На основе этих и иных данных устанавливается последовательность событий, выявляются обстоятельства ДТП, виновность сторон, – подчеркивает он.

Службу в органах внутренних дел герой очерка начал в 2001 году с должности рядового милиционера отдела охраны УВД Юнусабадского района столицы. После окончания автодорожного института продолжил работу в экспертно-криминалистическом подразделении ГУВД Ташкентской области. Параллельно получил второе высшее образование в Академии МВД. В настоящее время является главным экспертом ЭКЦ ГУВД области.

Мирвохид с благодарностью говорит о своих наставниках – подполковниках Баходире Рахматове, Ниг-



мате Раимкулове, Дилшоде Парпиеве, которые щедро делились опытом и знаниями. Сегодня он сам наставник, воспитавший талантливых учеников, среди которых майор Жамшид Худайбергатов, капитаны Сахибджан Намазов, Баходир Тулаев и др.

Подполковник М. Мирзахмедов регулярно проводит занятия по методике осмотра места происшествия, транспортно-трассологических, автотехнических и иных видов экспертиз для молодых сотрудников, работающих в подразделениях ЭКЦ, ДПС, а также проходящих обучение в Институте повышения квалификации, Академии МВД.

– Его мнение авторитетно и значимо, – говорит о наставнике эксперт ЭКГ ОВД Зангиатинского района капитан Алтинбек Уразимбетов. – В любой сложной ситуации можем рассчитывать на его дельный совет, помощь и поддержку.


Радик ТУМΠΑРОВ,
соб. корр.
Ташкентская область.



TERGOV AMALIYOTIDAN

Romitan tumani «Tarnaut» mahallasida yashovchi Malohat Olimova (ism-shariflar o'zgartirildi) bolalari yoshligi bois tuman markazidagi ko'p qavatli uylarning biridan vaqtincha ijaraga xona oldi. Ertasi kuni narsalarini joylashtirayotganda, tilla taqinchoqlari yo'q ekanligi ma'lum bo'ldi. Shunda u shoshganidan unutilib qoldirganini anglab, qishloqqa yo'l oldi.

O'G'RINING O'YLAGANI O'NG KELMADI



Malohat darvozaning qulfini ochdi, uyi ham qulf ekan. Ko'ngli joyiga tushib, uy atrofini aylanmoqchi bo'ldi. Tomorqa tarafiga o'tganida tuyqus rangi o'zgardi. Chunki derazalar lang ochiq edi. Shosha-pisha o'zini ichkariga urdi-yu, ayyuhannos soldi. Salkam 28 million so'mlik har xil turdagi 6 dona tilla taqinchoqlari joyida yo'q edi. U darhol tuman IIBga murojaat qildi.

– Surishtiruv ishlarini tilla taqinchoqlar oldi-sotdisi bilan shug'ullanadigan zargarlardan boshladik, – deydi tuman IIB huzuridagi tergov guruhi katta tergovchisi, mayor Javohir Qodirov. – Jabrlanuvchidan taqinchoqlarning ko'rinishini aniqlashtirib, shu xilidan sotayotganlarni surishtirdik. Urinishlarimiz besamar bo'lmadi. Zargar aynan 6 dona ayollar tilla taqinchoq'ini sotib

olganini aytdi. Ulardan uch donasi qolgan ekan. Fuqaro M. Olimova esa taqinchoqlar o'ziniki ekanligini aytdi. Shunday qilib, o'g'ri qo'lga olindi. U qo'shni mahallalik D.N. bo'lib chiqdi.

Tergov jarayonida jabrlanuvchiga yetkazilgan 28 million so'm miqdoridagi moddiy zarar qisman, shuningdek, jinoyat ishi bo'yicha fuqaroviy da'vog'ar deb e'tirof etilgan S. Malikovga yetkazilgan 5 million so'm miqdoridagi moddiy zarar ayblanuvchi tomonidan qoplandi.

Jinoyat kodeksining tegishli moddasiga muvofiq, jinoiy javobgarlikka tortilgan D.N. hozirda pushaymonlik iskanjasida bo'lsa, ajabmas. Negaki, u aynan navqiron yoshida «sudlangan» degan tavqi la'nat orttirdi.

Mirzoqul AHADOV,
o'z muxbirimiz.

Buxoro viloyati.

GIYOHVANDLIK – UMR ZAVOLI

INQIROZGA YETAKLOVCHI ILLAT

G'allaorol tumanining «Ko'kgumbaz» mahalla fuqarolar yig'inidagi «Sangzor-15» YPX maskanida ichki ishlar organlari xodimlari tomonidan Surxondaryo viloyati Sariosiyo tumani «Bog'ishamol» mahallasida istiqomat qiluvchi A.H. boshqaruvidagi «Cobalt» mashinasi to'xtatib tekshirilganda, undagi musiqa kolonkasi tagida 78,36 gramm gashish giyohvandlik vositasi yashirilganligi aniqlandi. Haydovchining cho'ntagidagi tamaki qutisidan ham 5 gramm zahri qotil topildi.

Sharof Rashidov tumanining «Ziyokor» mahallasida yashovchi Sh.S. esa 4500 dona ruhiyatga kuchli ta'sir qiluvchi dori vositasini boshqa bir shaxsga pullayotganida qo'lga olindi. Bundan tashqari, soha vakillari tezkor ma'lumot asosida Zomin tumanining «Nurlikent» mahallasida istiqomat qiluvchi I.U.ning hovlisini ko'zdan kechirdilar. Mazkur jarayonda fuqaro 10 tup kannabis o'sim-

ligini parvarishlayotgani, turar joyida bo'lsa 20 gramm marixuana saqlayotgani aniqlandi.

O'tgan yil mobaynida xodimlar tomonidan shu kabi 302 ta jinoyatni fosh qilib, qonunbuzarlardan 74 kilogramm 663 gramm heroin, opiy, gashish, marixuana, ko'knori, shuningdek, sintetik moddalar, prekursorlar, kuchli ta'sir qiluvchi dori vositalari olindi, 6190 kvadrat metr maydonda yetishtirilgan giyoh-

vandlik ekinlari yo'q qilindi.

Targ'ibot tadbirlarini o'tkazish jarayonida giyohvandlik vositalarining inson salomatligiga zararli ta'siri va ular bilan bog'liq jinoyat sodir etish oqibatlarini tushuntirilmog'da.



Ota-onalar farzandi ruhiyatidagi o'zgarishlarga befarq qaramaslikka, dorixona va tibbiyot muassasalari mas'ullari kuchli ta'sir

qiluvchi dori vositalarini noqonuniy muomalaga kiritmaslikka chaqirilyapti.

Ushbu turdagi jinoyatchilikka qarshi kurashishda ilg'or texnologiyalarni qo'llash maqsadida, ichki ishlar organlari xodimlarini narkotester va dronlar bilan ta'minlash, tarkibida psixotrop moddalari mavjud dori vositalarini elektron retsept asosida berilishini yo'lga qo'yish ko'zda tutilgan. Qisqasi, inson sog'lig'ini yomonlashtiruvchi, jamiyatni inqirozga yetaklovchi giyohvandlik illatiga qarshi kurash kuchaytirilmog'da.

Baxtiyor TOG'AYEV,
kapitan.

Jizzax viloyati.

SOHA FIDOYISI

ILM, QAT'IYAT VA SHIJOAT

Dilafro'z qat'iyat, shijoat va ilm barcha narsadan ustun turishini otasi Safar aka va onasi Gulsora opadan o'rgandi. Safar aka muhandislik kasbida ishlab obro' orttirdi, el-u yurtga foydasi tegdi. Onasi Gulsora opa matematika fani o'qituvchisi – ayni kunlarda tabarruk yoshda bo'lsa-da, ta'lim berishda davom etmog'da. Ota-onasi uning shifokor bo'lishini har tomonlama qo'llab-quvvatlashdi.



Ilk xizmat faoliyatini Toshkent shahar IIBB Tibbiyot bo'limida ekspert-terapevtlikdan boshlagan kapitan Dilafro'z Sharapova bugungi kunda Harbiy-tibbiy komissiya raisi lavozimida xizmat qilib kelmog'da. Xizmatga qabul qilinadigan nomzodlarning sog'lomligini puxta tibbiy ko'rikdan o'tkazishdan tashqari, tibbiy ko'rik yoki murojaatlar asosida xodimlarning kasalliklarini aniqlash, ularga o'z vaqtida tibbiy yordam ko'rsatish, zarur holatlarda tor mutaxassislar ko'rigiga yo'llanmalar berish natijasida ular sog'lig'ining nazorat qilib borilishiga bosh-qosh bo'lmoqda.

Darvoqe, lavhamiz qahramoni aqlni charxlashda katta yordam beradigan shaxmat bilan ham muntazam shug'ullanib keladi. U poytaxt IIBB xodimlari o'rtasida o'tkazilgan musobaqalarda sovrinli o'rinlarni egallagan. Xususan, 2022 yildagi bahslarda faxrli 1-o'rin sohibi bo'lgan.

Egniga ham oq xalat, ham ichki ishlar organi formasini kiyib, xizmat ko'rsatish kishidan katta mas'uliyat

talab etadi. Shu bilan bir qatorda, turmush o'rtog'i bilan ikki nafar farzandini el-yurt koriga yaraydigan, xalq manfaatlariga xizmat qiladigan yetuk insonlar qilib tarbiya berishga alohida e'tibor qaratgan. Ularning ikkisi ham oliy ta'limda tahsil olib, ota-onasining munosib davomchilari sifatida Vatan koriga yaraydigan kadrlar bo'lib yetishish yo'lida bilim olishmog'da.

– Mamlakatimizda ko'plab ayollari-miz mas'uliyatli lavozimlarda faoliyat yuritib, To'maris va Bibixonim kabi momolarimizga munosib bo'lish yo'lida mehnat qilmog'da, – deydi kapitan D. Sharapova. – Ular ham ishda, ham oilada erkaklar bilan yelkama-yelka turib, el-yurt ravnaqi yo'lida sobitqadam bo'lishmog'da. Xotin-qizlarimizning baxtli hayot kechirishi va sevgan kasbida o'zlarini namoyon qilishi uchun yaratilayotgan bunday keng imkoniyatlarning tagzamidida Yurtboshimizning alohida e'tibori yo'tibdi, albatta.

Sarvar SOBIROV,
o'z muxbirimiz.

Toshkent shahri.

■ Республика Каракалпакстан

ШАНС НА НОВУЮ ЖИЗНЬ

ные судом ограничения, несмотря на неоднократные предупреждения. В итоге суд заменил ему наказание на более суровое – лишение свободы.

По данным группы пробации Канлыккульского района, состоявшим на учете 58 гражданам оказывается содействие в решении социальных проблем, восстановлении здоровья, трудоустройстве.

– Им трудно интегрироваться в общество, найти работу. Именно поэтому группа пробации проводит активную работу в данных на-

правлениях, – рассказывает старший инспектор майор Уласбек Сейтбеков.

Он отметил, что с поднадзорными регулярно организуются профилактические беседы при участии представителей общест-венности и активистов махаллей. Благодаря совместным усилиям в прошлом году лицами, состоящими на учете, не совершено ни одного рецидивного преступления. Более того, 20 человек были досрочно освобождены за добросовестное отношение к труду и искреннее желание исправиться.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
соб. корр.

Старая мудрость гласит: «Не старайся изменить мир, а изменись сам». Однако работать над собой – задача не из легких, особенно если жизненные обстоятельства складываются не лучшим образом. Для тех, кто однажды оступился, но хочет вернуться к нормальной жизни, важную роль играет служба пробации.

Гражданин М. А. был осужден за кражу к лишению свободы. В 2024 году оставшаяся часть наказания была заменена на исправительные работы. Суд учел его искреннее раскаяние и добросовестное отношение к труду.

Но, к сожалению, не все делают правильные выводы. К. М. осужден за мошенничество и получил наказание в виде ограничения свободы. Однако он не соблюдал установлен-



■ Джизакская область

ЗДЕСЬ ВОЗВРАЩАЮТ НАДЕЖДУ

Инспектор профилактики махалли Навруз города Джизака капитан Дилшод Хотамов заметил, как в одно из недостроенных зданий вошел человек. Используя фонарик, он начал осматривать помещение. В подвале наткнулся на пожилого мужчину. Лицо старика было уставшим, а одежда износилась.



В ходе беседы гражданин сообщил, что остался без жилья, точнее, при-страстился к алкоголю, и из-за его дурного ха-рактера родные от него отвернулись. Инспектор принял меры по его размещению в реабилита-ционный центр для лиц

без определенного места жительства.

В суд было подано ходатайство, установлен кон-такт с родственниками гражданина, проживающими в махалле Сайилжойи. В центре реабилитации проверили мужчину по базе данных. После ме-

дицинского осмотра ему разъяснили правила и нормы, которые необходимо соблюдать в центре. В индивидуальном порядке работал психолог.

В итоге, Ш. А. получил жилье и обеспечивается горячим питанием три раза в день. У него есть



возможность принять душ, воспользоваться медицинскими услугами. Подопечный центра отказался от вредных привычек, в частности, от алкоголя. Однако он не может оставаться здесь более одного месяца. По истечении этого срока его направят в дом «Саховат» или «Муруват».

– В 2024 году через наше учреждение прошли 245 лиц без определенного места жительства, – рассказывает начальник центра подполковник Фарход Кобилов. – В настоящее время здесь 15 человек.

Они обеспечиваются пи-танием. В случае необхо-димости фельдшер оказы-вает первую медицинскую помощь. Содержащиеся здесь имеют возможность получить юридическую, психологическую и мате-риальную помощь. В наше учреждение, рассчитанное на 32 места, принимаются лица в возрасте от 30 до 60 лет. Мы содействуем налаживанию нормальной жизни подопечных.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
соб. корр.



VATANGA XIZMAT – OLIY SAODAT

KOMANDIRLARNING SARASI

Muzaffar aka o'g'li Dilshodning kelajakda harbiy bo'lishini astoydil istadi. Yillar o'tib, uning orzusi amalga oshdi. Dilshod uzoq Surxondaryo viloyatidan poytaxtga kelib, mamlakatimiz Qurolli Kuchlari akademiyasiga o'qishga kirdi.



Ilk xizmat faoliyatini IIV Qorovul qo'shinlariga qarashli Toshkent shahridagi 7531-harbiy qism komandantlik batalyoni guruh komandiri lavozimida boshlagan D. Qobilov ustoz mayor Zokir Turonovning sohaga oid maslahat va ko'rsatmalariga qat'iy amal qildi. Bu esa uning xizmat faoliyatida juda qo'l

kelib, shaxsiy tarkibning axloqiy-ruhiy, kasbiy va jismoniy tayyorgarligi hamda jangovar shayligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etdi.

Xizmatni poytaxtimizdagi 7534-harbiy qism Maxsus vazifalarni bajaruvchi safarbarlik vzvodi 1-jangovar guruh komandiri lavozimida davom ettirayotgan bu yigit turli tan-

lov va musobaqalarda ham munosib ishtirok etib, sovrindorlar safidan joy olib kelmoqda. 2023-yili qo'shinlar miqyosida o'tkazilgan «Dovyurak jangchi» intensiv sinovlari g'olibi, o'tgan yili esa «Eng ilg'or guruh komandiri» sifatida g'oliblikni qo'lga kiritdi.

– Qisqa vaqt ichida yuqori marralarni zabt etish, osonlik bilan erishiladigan natija emas, – deydi lavhamiz qahramoni. – Albatta, bunda jamoaning ham hissasi beqiyos bo'ladi. Chunki o'zaro hamjihatlikka asoslangan faoliyat muvaffaqiyat garovidir.

Halollik, qat'iy intizom va fidokorona xizmatlar evaziga farzandining ilg'orlar safida e'tirof etilishini ko'rish, Muzaffar aka singari har bir otaga nasib etaversin. Katta leytenant Dilshod Qobilov kabi salohiyatli, tinimsiz izlanadigan, mard va jasur o'g'lonlarimiz safi qancha ko'paysa, yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo bo'laveradi.

Vadim TO'XTAYEV,
IIV Qorovul qo'shinlari
qo'mondonligi axborot
guruhi boshlig'i,
oddiy askar.

HALOLLIKNI SHIOR QILGAN XODIMLAR

QASAMYOD PORADAN USTUN

Tojikiston Respublikasi fuqarosi S.Ahadov (ism-shariflar o'zgartirildi) va turmush o'rtog'i U. Gadoyeva 1994-yilda O'zbekiston Respublikasi hududiga kirib, fuqaroligi bo'lmagan shaxs guvohnomasi bilan vaqtincha yashab yurishadi. 2000-yilda esa ular yana doimiy yashash uchun o'z yurtlariga qaytib ketishadi. O'zbekistonga esa mehmon vizasi asosida kelib-ketib yurishadi.

Biroq negadir ularning niyati o'zgarib qoladi. S. Ahadov 2024-yilda Surxondaryo viloyati IIB Migratsiya va fuqarolikni rasmiylashtirish boshqarmasi ichki migratsiya fuqarolikni rasmiylashtirish bo'limi bosh inspektori podpolkovnik A.Mirzayevga murojaat qilib, o'zi va turmush o'rtog'iga 1999-yildan hozirgi kungacha qadar uzluksiz ravishda O'zbekiston Respublikasi hududida doimiy ro'yxatdan o'tgan holda yashab kelayotganligi to'g'risida fuqaroligi bo'lmagan shaxs uchun beriladigan doimiy yashash guvohnomasini rasmiylashtirib berishini so'raydi. Buning evaziga

esa unga 5000 AQSH dollari miqdorida pora taklif qiladi.

Podpolkovnik A. Mirzayev S. Ahadovga chet el fuqarolari va fuqaroligi bo'lmagan shaxslar bilan kapitan A. Suvonov shug'ullanishini aytganidan so'ng u Azamat Suvonovga murojaat qilib, unga ham xuddi shu taklifni aytadi. Kapitan A. Suvonov unga bu qonunga xilof ekanligini bir necha marotaba tushuntiradi. Biroq ishini qing'ir yo'l bilan hal qilmoqchi bo'lgan S. Ahadov pora berish taklifini bildirishda davom etadi.

Mazkur holat yuzasidan qilingan murojaat asosida IIV SHXBB Surxondaryo viloyati bo'yicha boshqarmasi, Termiz shahar prokuraturasi va IJQK Departamentning viloyat boshqarmasi xodimlari hamkorligida o'tkazilgan tezkor tadbir davomida S. Ahadov kapitan A. Suvonovning xizmat xonasida unga pora sifatida taklif qilgan 5000 AQSH dollaridan 2500 AQSH dollarini bergan vaqtda ushlandi.

Feruza RAHMONQULOVA,
o'z muxbirimiz.

Surxondaryo viloyati.

«XAVFSIZ VA SOG'LOM POYTXAT»

KENG KO'LAMLI TADBIR DOIRASIDA

Poytaxtimizda tinchlik va osoyishtalikni saqlash, jamoat tartibini ta'minlash, jinoyat va huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish maqsadida barcha huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlari tun-u kun xizmat olib bormoqda. Lekin shunga qaramasdan giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va kuchli ta'sir qiluvchi vositalarning noqonuniy muomalasi bilan bog'liq jinoyatlar salmog'i yuqoriligi achinarli holatdir.

Toshkent shahrida 2025-yilning 15-yanvar kuni «Xavfsiz va sog'lom poytaxt» kompleks maxsus tezkor-profilaktik oyligi bo'lib o'tmoqda. 15-fevral kuniga qadar davom etadigan oylik doirasida huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan tun-u kun xizmat tashkil etilib, kunduzgi va tungi maxsus guruhlar faoliyati yo'lga qo'yilgan.

Tadbirlar doirasida kuchaytirilgan tartibda tungi reydlar o'tkazilib, o'tkir tig'li va bosh-

qa taqiqlangan buyumlarni olib yurish, giyohvandlik vositalarini tarqatish («zakladchik»), «narkograffiti» bilan shug'ullanish kabi holatlar aniqlanib, qonuniy choralar ko'rilmoqda.

Oylik doirasidagi tezkor tadbirlar natijasida, giyohvandlik hamda kuchli ta'sir qiluvchi vositalar, psixotrop moddalarni noqonuniy ravishda tarqatish, saqlash, muomalaga kiritish bilan bog'liq jinoyat holatlar aniqlanmoqda. Bunday moddalarning savdosi Internet

tarmoqlariga ko'chishi, e'tiqodi sust, ma'naviyati sayoz yoki tezda boyib ketish orzusida bo'lgan shaxslarni o'z «to'riga» oson ilintirmoqda.



Chilonzor tumanida o'tkazilgan tezkor tadbir davomida, 1993-yilda tug'ilgan fuqaroning yashash xonadoni ko'zdan kechiriladi. Tekshirish jaryonida puxtalik bilan yashirilgan umumiy og'irligi 132 gramm bo'lgan 29702 dona bir martalik iste'mol uchun tayyorlab qo'yilgan har xil turdagi giyohvandlik va psixotrop moddalari, 3 dona elektron tarozi, izolenta va paketlar ashyoviy

dalil sifatida rasmiylashtirib olindi.

Shayxontohur tumanida o'tkazilgan yana bir tezkor tadbir muqaddam o'g'irlik jinoyati uchun sudlangan R.J. hamda uning sherigi Q.Y.lar ketayotgan avtomashina to'xtatilib, xolislar ishtirokida tekshiriladi. Tekshiruv jaryonida avtomashina salonida 1028 dona kuchli ta'sir qiluv-

chi dori vositalari aniqlandi. Har ikki holat yuzasidan tergov harakatlari olib borilmoqda.

Toshkent shahar IIBB YHXB Qidiruv bo'limi xodimlari tomonidan ham poytaxtimizda joylashgan avtomashinalarning kuzov qismlarini ta'mirlash ustaxonalarida avtomashina olib qochish bilan bog'liq bo'lgan jinoyatlarning oldini olish hamda yo'l-transport hodisasiga uchragan avtomashinalarni ta'mirlashning qonuniy shartlari hamda huquqbuzarliklarning oldini olish bo'yicha targ'ibot ishlari olib borilmoqda.

Sarvar SOBIROV,
o'z muxbirimiz.

Toshkent shahri.



ANJUMANLAR ALBATTA SAMARA BERADI

Har yili respublikamizda 1-fevraldan 1-martga qadar «Yoshlar orasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar tarqalishining oldini olish kompleks tezkor-profilaktik oyligi» o'tkazib kelinadi. O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi majlislar zalida tashkil etilgan matbuot anjumani ushbu muhim tadbirni e'lon qilishga bag'ishlandi.

Unda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Narkotiklarni nazorat qilish milliy markazi, Respublika ixtisoslashtirilgan ruhiy salomatlik ilmiy-amaliy tibbiyot markazi, IIV Tezkor qidiruv departamenti, Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi, BMT va Milliy gvardiya-

ning Toshkent shahar boshqar-masi mas'ul xodim va rahbarlari qatnashdi.

– Giyohvandlik vositalarining noqonuniy muomalasi bilan bog'liq jinoyatchilik nafaqat milliy, balki mintaqaviy, hattoki global miq-yosda xavfsizlik va barqarorlikka jiddiy tahdid soladi. U jamiyatda qonuniylikni ta'minlashga xavf solish bilan birga, ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanishga ham to'sqinlik qiladi. Ayniqsa, bu illatning yoshlarimiz o'rtasida tarqalishi nafaqat jamiyatimizning bugungi hayotiga, balki kelajagimizga ham salbiy ta'sir etmoqda, – dedi IIV Tezkor qidiruv departamenti Jinoyat qidiruv xizmati mas'ul xodimi, podpolkovnik Nodirbek Abdurasulov.



Tahillarga ko'ra, 2020–2023-yillarda giyohvandlik va psixotrop moddalar bilan bog'liq jinoyat sodir etgan shaxslar orasida yoshlarning ulushi o'rtacha 26 foiz bo'lsa, 2024-yilda bu ko'rsatkich 34 foizni tashkil qilgan. So'nggi 5 yilda huquq-tartibot idoralari tashabbusi bilan respublikamizda aniqlangan narkojinoyatlar soni 2 barobarga oshib, noqonuniy muomaladan olingan giyohvandlik vositalari 27 foizni tashkil etgan. Shundan sintetik narkotiklar 80 barobarga ortib, kuchli ta'sir qiluvchi dori vositalari 40 foizni tashkil etgan. Shu davr mobaynida dispanser hisobiga olingan giyohvandlar soni qariyb

40 foizga oshgan. O'tgan yilning o'zida 1000 dan ortiq insonlar narkotiklardan o'tkir zaharlangan. Shulardan 10 nafarida o'lim qayd etilgan.

Yuqoridagi statistik ma'lumotlarni inobatga olgan yig'ilish ishtirokchilari giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish nafaqat huquqni muhofaza qiluvchi organlar, balki keng jamoatchilikning ham asosiy e'tibor markazida bo'lishi lozimligini ta'kidlashdi. Shuningdek, turli ta'lim maskanlaridan tashrif buyurgan faol yoshlarning savollari tinglandi va bu illatni qanday qilib kamaytirish yoki yo'qotish yo'llari haqida qiziqarli suhbatlar o'tkazildi.

Abu KENJAYEV,
o'z muxbirimiz.

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

ИЛҒОР РАИС

Кўпчилик одамлар «Нафақага чиқсам, яйраб дам оламан», деган ниятда юради. Баъзилар эса пенсияда ҳам уйларида ўтира олмай «Ишга ўрганганман, ҳаракат қилиб турмасам бўлмас экан», деб бирор жойда ишлашга чоғланишади ёки тадбиркорлик билан шуғулланишади.

Жондор туманидаги «Алели» маҳалласида яшовчи, истеъфодаги майор Илғор Шарипов ҳам йигирма бир йил профилактика соҳасида самарали хизмат қилди. 2018 йили пенсияга чиққач, атиги олти ойгина уйда ўтирди, холос. Ўйлай-ўйлай, тадбиркорликка қўл урди. Қишлоқдошларининг оғирини енгил қилиш мақсадида чорва озуқаси олди-сотдисини йўлга қўйди. Бунга ҳам қаноатланмай, қишлоқдошларининг тўю маъракаларида ташвишию қувончига шерик бўлди. Шу боис бўлса керак, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари тавсияси билан 2022 йил май ойида ўтказилган маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайловида унинг номзоди қўйилиб, раисликка сайланди.

Маҳаллада 850 та оила бўлиб, раис уларнинг муаммоларини баҳоли қудрат ижобий ҳал қил-

моқда. Узоққа бормайлик, ўтган йил давомида 68 нафар фуқарони тадбиркорликка йўналтирди. Шундан 58 нафарини ишсиз аёллар ташкил қилади. Уларнинг аксарияти, иссиқхона, асаларичилик ва маиший хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича кредит олиб, фаолиятини бошлади. Яна тўрт нафар оғир шароитли оилаларга субсидия ажратилди.

– Маҳалладошларимиз орасида профессорлар, ташкилот раҳбарлари, қолаверса, барча соҳа бўйича мутахассислар етарли, – дейди маҳалла раиси. – Маҳаллада бирор ишни бошласак, овора бўлиб юрмаймиз. Дарров керакли мутахассисга мурожаат қиламиз. Масалан, ҳашар йўли билан иккита кўприк қурдик. «Яшил макон» лойиҳасида маҳалла ҳудудидан ўтувчи йўл ёқасида 1000 тупга яқин чинни гужум, олча, арча ва кишин-ёзин кўм-кўк турадиган гуллар экилди.

Фермерларимиз жамоатчилик асосида бир километр масофада бетон канал қуришди.

Худуддаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарор сақлаш, оилалар тотувлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлашда Илғор ака профилактика инспектори, катта лейтенант Азизбек Кенжаев, хотинқизлар фаоли Умида Раҳматова, ҳоким ёрдамчиси Ато Шуқуров, ёшлар етакчиси Малика Абдиева ва ижтимоий ходим Зилола Ҳамроевалар билан ҳаммиша бамаънава, ҳамкорликда ишни ташкил этишга одатланган. Биргаликда маҳалладаги вазиятни мукамал ўрганиб, ҳар бир

ҳолатга жиддий эътибор қаратаётганлиги, аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида тарғибот ишлари намунали йўлга қўйилганлиги туфайли ҳудудда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда.



Ҳа, лавҳамиз қаҳрамони тиниб-тинчимайдиган раис. У «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида маҳалладошлари фаолигини ташкиллаштиришда бош-қош бўлгани боис ўтган икки йил давомида худуддаги 30-сонли умумтаълим мактабининг 2 та 240 ўринли биноси қурилишига ва жиҳозланишига, мактаб атрофининг чамбарак билан ўралишига, сунъий чим қопламали ўйингоҳ, шунингдек, Алели қишлоғида волейбол, баскетбол ва футбол майдонлари қурилишига эришилди. Айти пайтда маҳалла ичидан ўтувчи қумариқни бетонлаштириш ишлари давом этмоқда.

Илғор ака нafaқат маҳалла-нинг раиси, балки меҳрибон ва талабчан оила бошлиғи ҳамдир. Турмуш ўртоғи Моҳиғул опа билан уч фарзандни тарбиялаб вояга етказишди.

Дарҳақиқат, истеъфодаги майор Илғор Шарипов сингари фидойи инсонларнинг ҳаёт тажрибаси етарли. Шу боис улар маҳаллаларга бош-қошлик қилаётгани ўринли бўляпти. Илғор акадек ташаббускор раислар юртимизда кўпаяверсин!

Мирзоқул АҲАДОВ,
ўз мухбиримиз.

Бухоро вилояти.



BOBUR – ADOLATLI SHOH VA BUYUK SHOIR

(14-fevral – Zahiriddin Muhammad Bobur tavallud topgan kun)

Zahiriddin Muhammad Bobur hayotning og'ir sinovlarini boshidan kechirganida endigina 12 yoshda edi. Shu yoshida taxtga chiqish, davlatni boshqarish, xalqni adolat bilan idora qilib, mamlakat sarhadlarini g'animlardan himoya qilish...

O'shanda Movarounnahr ijtimoiy hayoti va siyosiy ichki nizolar girdobiga tushib qolgan, Sohibqiron Amir Temur barpo etgan davlat tazzulga yuz tutgan, temuriy vorislar mamlakatni parokanda holatga keltirib qo'ygan edi. Bobur shunday bir paytda Andijonda turib, Samarqandga ko'p bora intiladi. Uning niyati bobosi Amir Temur saltanati sohibi bo'lish edi. Va ikki bora Samarqandni egallaydi, bu voqealar 1498- va 1500-yillarga to'g'ri keladi. Bu orada Movarounnahr hududiga Shayboniyxon xurujlari avj oladi, birin-ketin temuriy zodalar qo'l ostidagi hududlar mahv etila boshlaydi. Bobur ilojisiz ahvolda ona yurtini tark aylashga majbur bo'ladi. 1504-yilda avval Hisor, keyin Kobulga yo'l oladi. U kelajak taqdirini ayni shu mintaqalardan izlaydi, bu esa oson kechmaydi.

Hindiston mo'jizaviy o'lka, u qadim-qadimdan kishilarni o'ziga rom etgan. Bu maftunkor o'lka Boburni ham ko'pdan buyon qiziqtirib kelar edi. Bobur 1525-yili Hindistonga 1200 kishilik qo'shini bilan lashkar tortib, Ibrohim Lodiyning 100000 nafar askar va 1000 ta fildan iborat qo'shiniga qarshi janglarda g'olib keladi va bu afsonaviy o'lkaning shimoliy qismlariga egalik qiladi. Uning hukmronligi davrida insoniylikka asoslangan adolatli qonunlar sharofati bilan Hindistonda siyosiy muhit barqarorlashib, o'lka yerlari birlashadi. Shaharlar obodonlashtirilib, savdosoti to'g'ri yo'lga qo'yiladi. Bobur bog'-rog'lar yaratishga homiylik qilgan adolatli shoh sifatida taniladi. Shu o'rinda 332 yil davom etgan boburiylar sulolasi davrida ham Hindistonni obodonlashtirish, unda hozirgacha mashhur bo'lgan me'moriy yodgorliklar, bog'lar, kutubxonalar, karvonsaroylar qurdirish keng miqyosda yoyilganini, o'sha davrning ilg'or va zehni o'tkir olimlari, shoirlari, musiqashunoslari va davlat arboblari mujassam etgan mukammal bir ma'naviy-ruhiy muhit vujudga kelganligini ta'kidlash joiz.



(O'zbekiston xalq artisti M. Abduqunduzov Bobur rovida.)



Ulug' shoh Bobur Hindistonda davlat ishlari bilan bir qatorda, o'zining adabiy-badiiy faoliyatini ham davom ettiradi. Uning hassos qalbidagi sohir tuyg'ulari betakror she'riyati, mag'zi to'q nasriy asarlariga ko'chadi. Bugun bizgacha Boburdan o'zbek tilida yaratilgan bir she'riy devon, «Boburnoma» (asli nomi «Vaqoye» – «Voqealar»), Xoja Ahror Valiy (1404–1490)dan qilingan «Volidiya» she'riy tarjimai, aruz nazariyasiga doir «Mufassal», islom ruknlari haqida «Mubayyin», «Musiqiy ilmi», «Harb ishi», «Xatti Boburiy» asarlari yetib kelgan.

Nozik ta'b shoir she'rlarining aksarida esa uning o'z hayoti lavhalariga va lahzalariga ishoralar sezilarli darajada bayon etilgan. Xususan,

**Charxning men ko'rmagan
jabr-u jafosi qoldimu?
Xasta ko'nglim chekmagan
dard-u balosi qoldimu?**

– deya bitilgan misralar qancha dardchil bo'lsa, shuncha jozibali. Qancha qayg'uli bo'lsa, shuncha yorug'dir. Qalblarga chuqur botib ketguvchi bu qayg'uli satrlarda ertaning, kelajakning yop-yorug' umidlari mujassam. Xuddi shu jihati bilan ham Bobur baytlari qadrlil va inson ruhiyatiga yaqindir.

Shoh va shoir ijodining yana bir muhim mavzusi Vatanga muhabbat tuyg'usi, yurt sog'inchi, unga qaytish umidi bo'lganini ushbu misralardan anglash qiyin emas.

**Tole' yo'qki jonimg'a
balolig' bo'ldi,
Har ishnikim ayladim,
xatolig' bo'ldi.**

**O'z yerni qo'yib Hind
sori yuzlandim,
Yo rab, netayin, ne yuz
qarolig' bo'ldi.**

«Boburnoma» — Boburning shoh asari. Bu asarda Boburning boshidan kechirganlari, yo'l qo'ygan xatolari, alam-u iztirob, g'alaba va mag'lubiyatlari hamda shajarasi ochiq yozilgan. Joy nomlari, u yerdagi jonotlar hamda o'simliklar atroflicha yoritilgan. Asarda o'sha davrning mashhur kishilariga adolatli tarzda ta'rif berilganki, kitobni o'qigan odam Bobur tafakkuriga, bilimiga, uning sarkardalik qobiliyatiga, odil va oqilligiga qoyil qoladi. Asarda keltirilgan baytlar, g'azal, ruboiylar esa kitobning shoh bezagi sifatida o'quvchi qalbida o'chmas iz qoldiradi. Bu haqda Boburning o'zi bunday yozadi:

**Bu olam aro ajab
alamlar ko'rdim,
Olam elidin turfa
sitamlar ko'rdim,
Har kim bu «Vaqoye»ni
o'qur bilgaykim,
Ne ranj-u... ne mehnat-u...
ne g'amlar ko'rdim.**

Yana bir e'tiborli jihati shundaki, hozirga qadar mazkur memuar asar dunyoning 30 dan ortiq, xususan – ingliz, fransuz, nemis, italyan, golland, fors, urdu, rus, yapon, turk, tojik tillariga tarjima qilingan. Bu asardagi juda ko'p dolzarb iqtisodiy, ijtimoiy masalalar, yuqorida nomlari keltirilgan viloyatlarning o'zaro siyosiy-iqtisodiy va savdo

munosabatlari, jug'rofiy mavqeyi, iqlimi, o'simlik va hayvonot dunyosi, tog'lari, daryolari, xalqlari, qabila va elatlari hamda ularning yashash sharoitlari, urf-odatlari, muhim tarixiy inshootlari — hindlar ibodatxonalari va musulmonlarning masjidlari, to'y va dafn marosimlari haqida nihoyatda nodir ma'lumotlar tarixiy va adabiy meros sifatida dunyo olimlarini hozirga qadar hayratda qoldirib kelmoqda.

Aytish joizki, Hindiston farzandi Javoharlal Neru «Bobur – dilbar shaxs. Uyg'onish davri hukmdorining haqiqiy namunasidir... Uning Hindistonga kelishi tufayli Hindistonda buyuk o'zgarishlar sodir bo'ldi, san'atda, hayotda, me'morchilikda va madaniyatning boshqa sohalarida yangicha taraqqiyot yuz berdi», deganida tamomila haq edi.

**Har kimki vafo qilsa,
vafo topqusidur,
Har kimki jafu qilsa,
jafu topqusidur.
Yaxshi kishi ko'rmagay
yomonlig' hargiz,
Har kimki yomon bo'lsa,
jazo topqusidur.**

Shu singari she'rlarida har doim odamlarni yaxshilikka, adolat, insonparvarlikka, yuksak insoniy tuyg'ularni qadrlashga chorlagan buyuk vatandoshimiz Zahiriddin Muhammad Bobur umri davomida yaxshilikni istab yashadi. Qo'lidan kelgancha odamlarga yaxshilik qildi. Endigina 47 yoshni qarshilagan, ayni kuchga to'lgan chog'ida o'z umrini farzandi Humoyunga «sadda» qilib yubordi. Ammo ko'hna tarix sahnida adolatli shoh va buyuk shoir o'zining ma'lum va mashhur asarlari bilan tarixnavis adib, lirik shoir hamda ijtimoiy masalalar yechimiga o'z hissasini qo'shgan olim sifatida o'chmas iz qoldirgan siymolardan biri bo'lib qoldi. Ko'ngliga yorug' maqsad tuggan insonlarga, ayniqsa, yoshlarga ulug' bobokalonimizning jasurlik, fidoyilik, yurtparvarlik va oilasiga, avlodlariga oqibatlilik, jonfidoligi hamisha o'rnakdir.

**Gulnoza TURG'UNBOYEVA,
o'z muxbimiz.**



Maqolani
qoraqalpoq tilida
o'qish uchun
QR-kodni skaner
qiling.

PROFILAKTIKA XIZMATI

MAHALLA YETILIGINING SHAXTI BALAND

Profilaktika inspektori leytenant Doston Eshqulov faol qarshilik ko'rsatgan mast erkakning qo'liga kishan taqishga majbur bo'ldi. Boisi inspektor mazkur xonadonga birinchi marta kelishi emas. Ilgari ham S.U. mast holatda janjal ko'tarib, oila a'zolari va qo'shnilarni bezovta qilgan. Ammo bugungi-dek uy derazalarining oynalari hamda idish-tovoqlarni sindirmagandi.

Ichkilikka ruju qo'ygan janjal-kashni majburiy davolatish zarurligini tushungan huquqbuzarning yaqinlari bu safar leytenantning taklifini ikkilanmasdan qabul qilib, S.U.ni narkologiya dispanseriga joylashtirishdi.

Sharof Rashidov tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektori, leytenant Doston Eshqulovning sa'y-harakatlari tufayli «Jizzaxlik» mahallasida



o'tgan yilda birorta ham jinoyat sodir etilmadi.

U o'tgan yili huquqbuzarlik sodir etgan 171 nafar, bu yil yanvar oyida

esa 8 nafar shaxsga nisbatan ma'muriy bayonnoma rasmiylashtirdi. O'z navbatida, xonadonma-xonadon o'rganish orqali aniqlangan muam-

molarni hal qilish hamda huquqiy e'tibordagi shaxslarga ko'mak ko'rsatish maqsadida tegishli tashkilotlarga 77 ta xulosa taqdim etdi.

Umuman olganda, mahalla yetiligining hamjihatlikdagi sa'y-harakatlari bilan o'tgan yilda 240 kishi ishga joylashtirilib, 283 nafar shaxsning o'zini o'zi band qilishiga erishilgan. 60 nafar fuqaroga tadbirkorlik qilishlari uchun kredit ajratildi. Kredit olganlarning 7 nafari ehtiyojmand oilalarning vakillari, 5 nafari esa uzoq muddat xorijda bo'lib qaytganlardir.

Joriy yilda 4076 kishi istiqomat qiladigan ushbu maskanda 20 ta mikroloyihani hayotga tatbiq etish rejalashtirilgan. Xullas, mahalla yetiligining shaxti baland. Bu esa mahallasi bu yil ham «yashil» toifada bo'lishidan darak.

Alijon ABDUSATTOROV,
o'z muxbirimiz.

Jizzax viloyati.

ANDIJON VILOYATI

XAVFSIZ YO'L – XAVFSIZ HAYOT OMILI

Oltinko'l tumani hududida joylashgan, Shahrixon va Andijon tumanlariga bog'lovchi «Baxt» aylanma harakatidagi avtomobil yo'li avariya o'chog'iga aylangan hudud hisoblanadi. Mazkur aylanma harakatdagi avtomobil yo'li 1970-yilda barpo etilgan bo'lib, shu kunga qadar avto-transport vositalarining harakat jadalligidagi ko'rsatkich soatiga 3 888 tani tashkil etadi.

Transport vositalari qatnovi o'rtishi natijasida ro'y berishi mumkin bo'lgan yo'l-transport hodisalarining oldini olish maqsadida shu kunlarda Andijon viloyati Avtomobil yo'llari

bosh boshqarmasi va viloyat IIB JXX YHXB bilan hamkorlikda tartibga solingan chorrahaga o'tkazish ishlarining taklifiy loyihasi asosida ta'mirlash ishlari olib borilyapti. Yo'llardan muntazam foydalanish davlat muassasasi tomonidan maxsus texnikalar yordamida asfalt qoplamasi yotqizish oldidan asos tayyorlash ishlari jadal amalga oshirilmoqda.

Tez fursatlarda tirbandlik hamda yo'l-transport hodisalari yuzaga kelishiga sabab bo'layotgan aylanma harakatli yo'l o'rnida avtotransport vositalarining barqaror harakatlani-shini ta'minlovchi chorraha xalqimizga xizmat ko'rsata boshlaydi.

O'z muxbirimiz.



Hamma dunyoni o'zgartirishga harakat qiladi,
lekin hech kim o'zini o'zgartirish haqida
o'ylamaydi.

Lev TOLSTOY



▶ PATRUL SHAHAR KEZADI

JASUR HIMOYACHILARIMIZ BOR

Farg'ona viloyati IIB JXX JTSSB PPX batalyoni tumanlararo PPX otryadi safdor xodimi Farrux Ergashevning otasi Zuhridin aka, onasi Dilfuzaxon aya o'g'lini xizmatga kuza-tarkan, hamisha halol xizmat qilishga, Vatani va kasbiga sadoqatli bo'lishga, eng muhimi, xalqimizning duosini olishga undaydi.

– Qayerda xizmat olib borsak ham, hamisha xalq bilan hamnafasmiz, – deydi u. – Fuqarolar xavfsizligini ta'minlash va jamoat tartibini saqlash bilan birga, yoshlarga o'zimizning yurish-turishimiz, kiyinishimiz va muomalamiz bilan namuna bo'lishga harakat qilamiz.

Safdor Farrux Ergashevning ta'kidlashicha, shahar markazi va gavjum hududlarda xizmat qilishning o'ziga xos mas'uliyati ham bor. Odamlarning fe'l-atvori turlicha bo'lgani sababli har kuni har xil toifadagi shaxslar bilan

muloqot qilishga to'g'ri keladi. Ba'zida jamoat tartibini buzuvchi, qiziqqon fuqarolar ham uchrab turadi. Ular bilan ichki ishlar organlari xodimlarining kasb madaniyati talablariga ko'ra, imkon qadar bosiqlikda muloqot o'tkazib, xalq ishonchini qozonishga harakat qiladi.

Xitoy, Koreya, Germaniya, Yaponiya, Rossiya, Turkiya kabi qator rivojlangan davlatlarning investorlari Farg'onaga katta qiziqish bilan qaramoqda. Bugungacha xorijiy



sarmoyadorlar bilan hamkorlikda 20 dan ziyod qo'shma korxonalar ochildi. Bularning barchasi shaharda huquq-tartibotning mustahkamligi, fuqarolar va xorijiy sayyohlar xavfsizligi ishonchli ta'minlanayotgani tufaylidir.

– Shahrimiz haqiqatan ham, kundan-kunga chiroy ochmoqda, – deydi «Mash'al» mahallasida yashovchi mehnat faxriysi Bahodirjon Shokirov. – Har kuni nabiralirim bilan shahar ko'chalariga, xiyobonlarga sayrga chiqqanimizda, ko'zlaridan o't chaqnab turgan, xushmuomala patrol-post xizmati xodimlarini

ko'ramiz. Ularga qarab ana shunday mard va jasur himoyachilarimiz borligidan g'ururlanib ketaman doim. Nabiralirimga kelajakda shu norg'ul yigitlarday yurt posboni bo'lish kerakligini nasihat qilaman.

Bir so'z bilan aytganda, «vodiy gavhari» deya atalmish Farg'onada jamoat xavfsizligini ta'minlashda PPX shaxsiy tarkibi alohida jonbozlik ko'rsatmoqda. Eng muhimi, xalqimiz ularga katta ishonch bilan qaraydi.

Abduvosit SIDIQOV,
o'z muxbirimiz.
Farg'ona viloyati.

MA'LUMOT UCHUN

2025-yilning dastlabki oyida PPX xodimlari tomonidan 17 ta jinoyat «issiq izida» fosh etildi. 8 ta jinoyatning fosh etilishida boshqa sohaviy xizmat xodimlariga yaqindan yordam berildi. Muqaddam jinoyat sodir etib, qidiruvda yurgan 11 nafar shaxs ushlanib, tergov organlariga topshirildi.



«Zakovat» savollarining javoblari: musiqa; to'rtta; olov.

Урок духовности и просвещения

БАБУР – СПРАВЕДЛИВЫЙ ПРАВИТЕЛЬ И ВЕЛИКИЙ ПОЭТ

Бабу́р – выдающийся государственный деятель, полководец, ученый-энциклопедист, гениальный поэт. Его имя навсегда вписано в историю благодаря справедливому правлению, военным достижениям, уникальному творческому наследию.



Родился Захириддин Мухаммад Бабу́р в 1483 году. Он являлся потомком Тамерлана, старшим сыном Умара Шейха Мирзы, правителя Андижана. В возрасте 12 лет унаследовал трон, но столкнулся с многочисленными трудностями: дворцовыми интригами, борьбой за власть и нападениями соседей.

После долгих лет противостояния Захириддин Бабу́р обратил

свое внимание на Индию, богатую и стратегически важную территорию. В 1526 году одержал решающую победу над последним лодийским правителем Ибрагимом II.

Захириддин Бабу́р был мудрым государственным деятелем. Он устанавливал справедливые законы, укреплял экономику, развивал культурные связи меж-



ду различными этносами. Его способность объединять разрозненные территории и народы стала одной из основ стабильности империи.

Справедливость была ключевым принципом правления Бабу́ра. В мемуарах он описывал, как лично вмешивался в дела, чтобы предотвращать злоупотребления недобросовестных чиновников. «Правитель должен быть справедливым. Это основа благополучия государства. Без нее ни один народ не сможет жить в мире и согласии», – утверждал Бабу́р.

Он проявлял толерантность к различным вероисповеданиям, что было особенно важно в многонациональном и многоконфессиональном государстве. Эта политика способствовала укреплению его власти и лояльности подданных.

Литературный талант Захириддина Мухаммада Бабу́ра проявился рано. Он писал на чагатайском языке (старотюркский), который был родным для него, а также на персидском. Его произведения отличаются искренностью, изяществом и глубоким пониманием человеческой природы.

но и гениальное литературное произведение.

К настоящему времени «Бабу́р-наме» переведено на 31 язык мира. Востоковед В. Бартольд назвал данный труд «лучшим произведением тюркской прозы».

Бабу́р писал стихи, в которых сочетал личные переживания с философскими размышлениями. Его поэзия наполнена восхищением красотой мира. Особое место в ней занимает тема Родины. В газелях Бабу́ра выражена безграничная тоска по родным просторам:

**Ты на чужбине – и забыт,
конечно, человек!
Жалеет только сам себя
сердечный человек,
В своих скитаньях не на час
я радости не знал!
По милой Родине скорбит
извечный человек.**

Бабу́р воспевае искренность отношений, честную личность. Чувства, описанные в стихотворениях, изящны, а лирический герой сложен и многогранен:

**Вот и в моих стихах,
то грустных, то веселых,
И взлеты есть порой,
и слабости, ну что ж!**

Захириддин Мухаммад Бабу́р прожил недолго. Он умер в 1530 году в Агре, городе на севере Индии, где возвышается чудесный Тадж-Махал. Но его наследие



Самым известным его трудом являются мемуары «Бабу́р-наме». Это автобиографическое произведение, написанное живым и ярким языком, охватывает не только события военных походов, но и повседневную жизнь, культуру той эпохи. При этом «Бабу́р-наме» гораздо больше, чем книга воспоминаний и путешествий. Автор описывает свои радости, печали, достижения и поражения, оставив потомкам не только надежный исторический источник,

продолжает жить, вдохновляя все новые поколения.

Великий Бабу́р остается примером того, как человек может сочетать военные и политические таланты с литературным мастерством. Сплав в личности Бабу́ра силы, мудрости и литературного таланта делает его одной из самых выдающихся фигур мировой истории.

Шахло АЛИМАРДАНОВА,
филолог.



УЧИНЧИ СЕКТОРДА

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ВАЗИФА

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида 3-сектор мутасаддилари аҳолини қийнаётган муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида туман ИИБ ҲПБ ижтимоий профилактика гуруҳи ходимлари ёрдамида йил бошида ҳудуддаги ижтимоий-моддий аҳволи ўта оғир, бошпанасиз фуқароларнинг рўйхатини шакллантиришди.

Ёлғиз ногирон ўғли билан «Маданият» маҳалласида яшайдиган Жумагул момо эридан қолган томи лойсувоқ уйда яшарди. Ўтган йили 3-сектор мутасаддилари ушбу оилага уй қуриб берди. Бундан ташқари, Жумагул момога бемор ўғлини парвариш қилаётгани учун қўшимча нафақа ҳам расмийлаштирилди.

– Эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш – бизнинг кечиктириб бўлмас вазифамиз. Бизга

яқиндан ёрдам бераётган тadbиркорлар, ташкилотлар ва корхоналар талайгина. Маҳалланинг бирдамлиги, аҳиллигида ҳам гап кўп. Кўпгина муаммолар ҳашар йўли билан ечиляпти, – дейди 3-сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи, подполковник Обиджон Рўзимуродов.

Ташкил этилаётган сайёр қабулларда фуқаролар моддий-тиббий ёрдам, бандлик масалалари, шунингдек, ичимлик суви, электр,



табiiй газ таъминотидаги муаммолар, ички йўлларнинг таъмирталаблиги бўйича мурожаат асосида ўтган йили 6 километрдан ортиқ ички йўллар асфальтлаштирилди, 28 км йўлларга эса шағал ётқизилди. Саккизта маҳаллада электр симлари ва симёғочлари янгиланди, трансформаторлар ўрнатилди.

Бандлик борасида мурожаат қилган фуқароларнинг аксариятига иссиқхона қуриб берилди, чорва моллари харид қилинди. Бундан ташқари, ишсизларга тумандаги йирик тўқимачилик корхонасидан иш таклиф этилди.

Тикувчи, пазанда аёлларга кичик тadbиркорликни йўлга қўйиш учун тикув машина ва печлар олиб берилди.

Яқинда ўтказилган сектор раҳбарининг ҳудуддаги ёшлар билан учрашувида ҳам 11 нафар ёш йигит-қизнинг муаммолари ижобий ҳал этилди. Жумладан, тadbиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилган ёшларга имтиёзли кредит ва субсидия расмийлаштиришда кўмаклашилди.

Маҳлиё ХОЛОВА,
ўз мухбиримиз.

Навоий вилояти.



БИР ТУМАН ТАРИХИ

МИНГ ОТЛИҚЛАР ДИЁРИ

Ривоятларда Ҳазорасп – «Минг от» ёки «Минг отлиқлар диёри» сифатида талқин этилади. Яъни, форс тилида «Ҳазор» – минг, «асп» – от маъносини беради. Бу ернинг аҳолиси отга барака, бойлик тимсоли сифатида қарашган ва ҳар бир хонадонда от парваришланган.

Хоразмнинг шарқий дарвозаси ҳисобланган ва уч минг йиллик тарихга эга бўлган бу қалъа XIX аср ўрталарида мамлакат пойтахти Хива билан рақобатлаша оладиган буюк истеҳком, йирик савдо ва маданий марказ даражасига кўтарилган. Буюк ипак йўлидаги «Саргарош», «Эшон обод», «Дош қалъа», «Капорос», «Улхарос» каби қарвонсаройлар ҳам айнан шу қалъа атрофида жойлашган. Шарқнинг мумтоз шоирларидан бири бу заминни:

**Самарқанд сайқали рўйи замин аст,
Бухоро куббат-ул исломи дин аст.
Ҳазорасб қалъаи қадиму маҳкам,
Хивак Фирдавси раббил оламин аст,**

– дея Самарқанд, Бухоро, Хива каби доврўғи етти иқлимга кетган шаҳарлар қаторида, Ҳазорасп қалъасини ҳам тилга олиб ўтган.

1220–1221 йилларда Чингизхоннинг сон-саноксиз аскарлари «Таслим бўлмас қалъа» деб ном олган Ҳазораспни бир ҳамлада қўлга киритмоқчи бўлишади. Аммо қалъанинг мард ва жасур ҳимоячилари чингизийларнинг бу ниятини пучга чиқаришади ва уларга жиддий қаршилик кўрсатишади. Аёвсиз жангларда минг-минглаб душман аскарлари қириб ташланади.

Тарихий манбалар ҳамда қадимшунос олимлар томонидан олиб борилган тadbиркорликларга кўра, Хоразмшоҳлар ўз мамлақати пойтахтини



МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

Ҳазорасп тумани 1926 йил 19 сентябрда ташкил этилган. Жанубдан Туркменистон, жануби-шарқдан Тупроққалъа тумани, шимолдан Қорақалпоғистон Республикаси, ғарбдан эса Боғот тумани билан чегарадош. Ушбу туманда асосан ўзбеклар, шунингдек, татар, қозок, корейс, рус, туркман ва бошқа миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ кун кечиришмоқда. Туманда саноат, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби кўплаб соҳалар кенг ривожланган.

9 маротаба бир шаҳардан бошқа шаҳарга кўчиришган. Ҳазорасп қалъаси эрамизнинг IV, XI, XVIII, XIX асрларида маълум бир давр Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти бўлган ва бу заминда илм-фан, савдо-сотик анча ривожланган. Айниқса, илм аҳлига алоҳида эътибор берилиб, ҳурмат-иззат кўрсатилган.

Шу туфайли бу маконда Рашидиддин Вотвот, Менглисулув хоним, Жавҳарий, Сак-



кокий, Хусан Хоразмий, Одина Муҳаммад Хоразмий, Жаъфар Ҳазораспий, Машарифжон

Пир, Хаёлий, Умидий, Паҳлавон Маҳмуд каби буюк сиймолар ўз истеъдодларини намояндаларини этишган. Улар шоир, олим, меъмор, табиб сифатида халққа хизмат қилиб, кўплаб шоғирдлар тарбиялашган.

Худойберган ЖАББОРОВ,
ўз мухбиримиз.

Хоразм вилояти.

ЯҚИН ТАРИХ САҲИФАЛАРИДА

ЗОМИННИНГ АСЛ ЎҒЛОНЛАРИ

Туроббек Тўрабеков 1898 йилда Зоминнинг Аччиқ қишлоғида ўзига тўқ деҳқон оиласида туғилган. Аввал эски мактабда, кейин рус-тузем мактабда таълим олган. Октябрь инқилобидан сўнг 1919 йилгача Қоратош ижроқўмида раис, кейинчалик Жиззах милицияси бошлиғи этиб тайинланади.

У 1921 йилнинг октябрь ойида Самарқанд фавкуллода комиссиясига ишга олинади. Шундан сўнг эса Жиззах Фавкуллода комиссия раҳбарлигига тайинланади.

1922 йил май ойида совет ҳукуматининг тили бошқа, иши бошқа сиёсатидан норози бўлган Туроббек Тўрабеков, Жиззах милицияси бошлиғи Маъмур Йўлдошев ва ижроқўм раиси Абдулкарим Жонсўфиевлар жами 10 нафар қуролланган йигитлари билан миллий истиқлол курашчилари сафига ўтиб кетади. Улар Сангзорда самарқандлик Очилбек билан учрашади. Бу пайтда Зарафшон водийсида Очилбек, Ҳамроқулбек, Матчобеклари ҳамда Ўратепада Холбўтабек қизил аскарларга қарши жанг олиб борарди. Улар 1923 йилгача 200 йигит билан истиқлолчилик сафидан большевикларга қарши кураш олиб боради. Уларга Анвар пош-

Туроббекнинг юборган хатини Холбўтабек ҳам инкор этади. Шундай бир оғир шароитда йигитлар Афғонистонга чекинишга қарор қилишади. Шу вақтда Тош-



кентдан Эшонжон ҳазрат «Миллий иттиҳод» ташкилоти номидан Туроббекка хат йўллаб, муфтий Садридинхонни Афғонистонга

Улар бир ой деганда Рус-так, Хонабод орқали Афғонистонга кириб боришади. Сомеъ пошо Афғонистондаги Туркия консуллиги орқали бир миқдор пул олиб, ҳаммининг беэиён Эронга ўтишига эришади. Туроббек Машҳадга бориб 1927 йилгача турли ишлар билан машғул бўлди. Туроббек ўзининг Туркистонда кўрган-кечирганларини Заки Валидий Тўғон ҳамда Мустафо Чўқайга юборди. Унинг ахбороти «Янги Туркистон» газетасининг 1927 йил 5-6-сонида мақо-

маълум қилади. Дўстларининг, балки бу ҳийладир, дейишига қарамай, душманнинг нақадар разил ва ваҳшийлигини билгани учун фикридан қайтмайди. Жигарлари Усмонбек ва Ҳазратқул укаси Туроббекка эргашади.

1928 йил августда Туроббек акалари Усмонбек, Ҳазратқуллар билан СССРга қайтиб келади. Маълум бўладики, хат ёлғон ва фақат Туроббекка қидирув эълон қилинган эди.

Мулла Абдурахмон Бойқўзиевга ҳамон ишониб

Ҳамкасбимиз, юридик фанлар доктори Абдуғофур Сатторов қатағон қурбони бўлган Туроббек Тўрабеков ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

«Миллий иттиҳод»нинг Жиззах шўъбаси аъзоси, Фавкуллода комиссия раҳбари Туроббек Тўрабеков менинг бобом Абдусаттор қози Шукуровнинг амакиси ва қадрдон дўсти бўлган. Ўша кезлари бобом Абдусаттор Шукуров Мирзачўл тумани судининг раиси, Туроббек Тўрабеков эса Жиззахда милиция бошлиғи бўлиб ишлаган. Бобом тирриклик чоғида Туроббек Тўрабеков ҳаёти ва хизмат фаолияти билан боғлиқ воқеалар ҳақида сўзлаб берган. Улар ҳамкорликда Туркистон озодлиги йўлида курашган. Бобомнинг айтишига қараганда, Туроббек Тўрабеков жуда ҳам саводли, рус ва араб тилини мукаммал биладиган, маърифатпарвар инсон бўлган.

Унинг Туркистон мустақиллиги ҳақидаги кўпгина мақолалари «Янги Туркистон» газетасида чоп этилади ва унда советларнинг барча кирдикорлари фош этилган. Афсуски, Туроббек Тўрабеков Ватанимиз озодлиги йўлида ўз жонини қурбон қилди. Бобом Абдусаттор Шукуров эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилиб, Сибирга сургун қилинган. Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди.

жами 30 киши: Туроббек Тўрабеков билан бирга акалари Усмонбек, Ҳазратқуллар, Муроджон Файзуллин, Муҳиддин Хўжаев, Муроджон Аълохўжаев, Исҳоқ Холмухаммедов, Тошбек Дўстбековлар отувга, қолганлари ўн йиллаб лагерларга ноҳақ ҳукм қилинди. Ҳатто ёвузлар билан ҳамкорлик қилган Абдурахмон Бойқўзиев ҳам бир куни сотиб қўймасин, деб отиб ташланди.

Ватан озодлиги йўлида қизил аскарлар билан мардондор жанг олиб борган Туроббек ҳамда оғалари Усмонбек, Ҳазратқул Тўрабековлар ва дўстлари 2022 йил 19 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан оқланди.

Аъзамжон ШУКУРОВ.

ВАСИЯТНОМА

Дунёда ягона жонқуярим Ҳазратқули Тўрабек ўғлига

Душманлар сеҳр ва жолу билан кўп оёғимни боғладилар. Мен адолат торозусига ёш гўдак бегуноҳларнинг бошлари билан ўз бошимни тортидим. У ёш гўдакларнинг бошлари оғир келди. Унинг учун инсоният виждоним мазкурлар учун жонимни қурбон қилишга амр ва фармойиш этди. Шу сабабли ҳақ ва адолат қонунига иттиҳод қилдим. Буюк шавқ ва ҳаваслар билан умид боғладимиз Ватан муқаддасни тарк этиб охирага сафар қилишга қарор бердим. Бўйинимга юкланган вазифани тўғрилиқ билан адо қилдим ҳамда мардлик билан жон бераман. Менинг маслақдошларим ташаббусотсиз деб айб қилмасунлар мен муқаддас гоя йўлида жон бердим. Мендан кейинги авлодлар менинг жасадамни босиб ўтсинлар, яъни дунёда ҳар бир нарсадан ортиқ суйган Ватаним ва миллатимнинг истиқлоли учун жон берсунлар. Сизга ва ўртоқларимга абадий салом. Мард ва жасур кишига ярашкан қаҳрамонлик билан курашиб голиб келмай ёхуд қўлимдан ҳар бир нарсам кетди ёлғуз номусим қолди деб шонли ва шарафли тариха ниҳоят беринг, йигитнинг вазифасидур. Мен мағлуб бўлсамда номусим қолди. Яшасун келажакдаги Туркистон истиқлоли! Ёш гўдакларни Сизга топширдим, тарбия қиларсиз. Мендан рози бўлинг. Асло хафа бўлмайсиз. Рухимни шод қилинг. Алвидо.

Укангиз Туроб Тўрабек ўғли.

шонинг йигитларидан Юсуф Зиёбей, Заки Валидий Тўғон, беш-олти нафар татар ҳарбийлари маслаҳатчи эди. Бироқ истиқлолчилар қизил аскарлар билан жангларда муттасил катта қурбонлар бера бошлади. Истиқлол курашининг айрим етакчилари шўролар билан келишиб кафолат хатлари ола бошлади.

безарар етказиш вазифасини топширади. Муфтий Садридинхон шогирди, таниқли олим Фотиҳ Каримийнинг укаси Ориф Каримий билан келиб қўшилади. Муфтий Садридинхон, Сомеъ пошо ва Абдукарим Жонсўфиев ҳамда жами 150 киши Қоратегингача пиёда бориб, ундан Кўлоб томонга йўл олишади.

ла сифатида чоп этилади ва унда советларнинг барча кирдикорлари фош этилган эди. Берлиндан Истанбулга келган Аҳмад Закий Вали-

аёли, синглиси, акасига ёзган хайрлашув хатларини топширади. У бўлса Туроббекнинг омонатини ҳамда ҳар бир қадами ҳақидаги ха-

«Мунглиг аёлим Бибизилол ва синглим Нормулоларга!

Дунёда энг вафолиг кўрсатган аёллар бўлса, улар Сизлардирсиз. Бизлар учун кўп жафолар кўрдингиз, вафолар қилдингиз. Жаъоби Ҳақ Сизлардан икки дунёда рози бўлсин. Мен Сизлардан розиман. Жавҳарой ва Аноройларга меҳрибон бўларсизлар, тарбия қиларсизлар. Хоҳлаган вафолик қилганларнинг ўғиллари билан белгилаб қўярсизлар. Ҳа, ҳаммаларингизга жуда бахт ва саодатлик кунлар насиб қилсин. ИншааАллоҳ, бу кун бўлмаса тонгла бир биримизни кўрармиз. Асло хафа бўлмайсизлар. Ҳамиша дуоларингиздан умидворман. Мен Сиз оғизларимни қутқазмоқ учун ўлим тарафига ўйнаб бораман. Ёш кетти демасизлар. Мен бу ўлимни ўзим учун бахт биламан. Чунки, мардлик билан тўғри йўлга жон бераман! Жавҳарой ва Аноройларни юзларидан ўларсиз. Ҳаммаларингизни Худога топширдим. Бийтемир отамизга ва Тавбойга бошқа ҳамма сўроғонларга абадий салом. Рози бўлсунлар. Қулиб туриб сизларга эгилиб салом қолдирган Туроббек Тўрабекуф".
Алвидо / имзо

дий Туроббекка бир неча бор хат йўллаб, Европага бориб Мустафо Чўқай билан Туркистон истиқлоли масаласини Миллатлар лигасига олиб чиқишда ёрдам беришини сўрайди. Бироқ шу кунларда қишлоқдоши мулла Абдурахмон Бойқўзиевнинг бир хати Туроббек Тўрабековга етиб боради. Унда қизил аскарлар томонидан қанча болалар ва аёллар қамоққа олингани, агар қишлоққа қайтмаса, ҳаммасини қатл этишлари битилган эди. Туроббек дўстлари билан розилашиб ўзининг Ватанга қайтишини

барларни тинмай тегишли идорага етказиб турган эди.

Туроббек учун тушунисиз кунлар узоқ давом этмади. 1929 йилнинг кузида Мунаввар қори Абдурашидхон ва унинг «Миллий иттиҳод» ташкилотига қарши очилган сохта жиноят иши доирасида 30 дан ортиқ жаззахлик зиёлилар қамоққа олинди. Улар йиллаб турманинг қоронғи, зах хоналарида мислсиз қийноқларга солинди.

1932 йил 14 октябрь куни Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг Ўрта Осиё бўлими томонидан

Безопасный туризм

СОДЕЙСТВУЯ ПРИВЛЕЧЕНИЮ ТУРИСТОВ

Сегодня в столицу нашей страны прибывает все больше туристов со всего мира. Обеспечение их безопасности возложено на сотрудников Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД города Ташкента.

– Наши сотрудники обеспечивают безопасность как иностранных, так и местных туристов на объектах достопримечательностей, усердно выполняют служебные задачи, основываясь на принципе «Во благо человека», – говорит начальник Управления по обеспечению безопасности туризма городского УВД подполковник Улугбек Агзамходжаев.

Сотрудниками управления была оказана практическая помощь более 24 тысячам туристов по разным вопросам. В том числе найдены и возвращены владельцам утраченные ими предметы. В прошлом году не было зафиксировано ни одного преступления в отношении иностранных туристов или совершенного ими, что является результатом мер, направленных на обес-



На 25-й сессии Генеральной Ассамблеи Всемирной туристской организации ООН (UNWTO), состоявшейся в 2023 году в Самарканде, Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев предложил принять Глобальный кодекс безопасного туризма. В рамках этой инициативы 12 декабря 2024 года состоялось первое заседание Межправительственной комиссии по разработке Глобального кодекса безопасного туризма ООН, который будет служить основой для устойчивого развития отрасли. На заседании Узбекистан был избран председателем данной Комиссии.



печение профилактики правонарушений и предотвращение преступности.

Начинающим предпринимателям в сфере гостиничных услуг, владельцам хостелов, гостевых домов и семейных гостиниц разъясняются правила временной регистрации граждан, использование автоматизированной системы «e-mehmon».

В последние годы в стране внедряется опыт

создания новых туристских маршрутов для привлечения гостей. В частности, во всех районах Ташкента создаются гастрономические улицы, работающие в формате 24/7, с фотозонами, установкой малых и больших уличных светильников, монтажом систем Wi-Fi.

**Кувондик
КУРБОНБОВ,
капитан.**

■ Сурхандарьинская область

ПРИБЛИЖЕНИЕ К ИСТОРИИ

Для сотрудников УВД области организована экскурсия в Термезский археологический музей.

Без исторической памяти нет будущего. Изучение славных страниц летописи формирует чувство гордости за страну, повышает духовность, расширяет кругозор.

Состоявшаяся экскурсия сотрудников УВД области в Термезский археологический музей стала приятным и познавательным событием для личного состава. Специалисты рассказали

много интересного из истории южного региона, показали уникальные экспонаты. Краеведы дали исчерпывающие ответы на интересующие вопросы.

Соб. корр.





Tuman IIBda

YILLAR VA YO'LLAR OSHA

YOSH XODIM – SOHA KELAJAGI

«Qo'chqorso'ygan» mahallasi profilaktika inspektori, leytenant Ulug'bek Habibullayev bundan ikki yil muqaddam oliy ta'lim muassasasini tamomlab, xizmat faoliyatini boshlagan. Zimmasidagi vazifa mas'uliyatini teran anglagan Ulug'bek hamon izlanishda, sohaga oid adabiyotlarni o'qib o'rganyapti. Hozirda «sariq» toifada bo'lgan mahallani «yashil» toifaga o'tkazish uchun astoydil harakat qilmoqda.

Mahalla faollari hamkorligida ko'rilgan chora-tadbirlar tufayli, salkam 3 ming nafarga yaqin aholi istiqomat qiladigan hududda so'nggi ikki yilda jinoyatchilik keskin kamaydi.

Mahallada maishiy xizmat ko'rsatish sohasi rivojlanib borayotgani ishsizlar sonining qisqarib, aholining ijtimoiy-iqtisodiy ahvoli yaxshilanishiga sabab bo'lmoqda. Joriy yilning dastlabki oyida 12 nafar ishsizning bandligi ta'minlandi.

HAVASGA MUNOSIB FAXRIY

Tuman IIB Faxriylar kengashi raisi, iste'fodagi podpolkovnik Abdurasul Akmalov, tom ma'noda, ibratli hayot yo'lini bosib o'tgan. Ko'p yillar ichki ishlar organlarida fidoyilik bilan xizmat qilgan faxriy bugun «Nuroniylar» jamg'armasi raisi va tuman hokimining maslahatchisi sifatida ham qizg'in faoliyat ko'rsatmoqda.

Shaxsiy tarkib o'rtasida o'tayotgan uchrashuvlarda boy tajribasi bilan o'rtoqlashib, xizmatdagi qiyinchiliklar va ularni yengib o'tish yo'llari haqida so'zlab berib, ushbu sa'y-harakatlari bilan osoyishtalik posbonlarida kasbga bo'lgan mas'uliyatning yanada oshishiga xizmat qilaypti.

– Xodimlar bilan uchrashuvlarda Faxriylar kengashi a'zolari – iste'fodagi podpolkovniklar Almen Berkinov,



Mirjalol Isametov, iste'fodagi mayor Husan Alyorov va iste'fodagi kapitan Shuhrat Fayziyevlar faol qatnashyapti, – deydi Abdurasul Akmalov. – Bundan tashqari, ular betob va ko'makka muhtoj faxriylarni har jihatdan qo'llab-quvvatlashda ham faol yordamchilar.

O'ttiz yil sohada, turli rahbarlik lavozimlarida xizmat qilib, yorug' yuz bilan pensiyaga chiqqan A.Akmalov ko'plab shogirdlar tarbiyaladi. E'tiborlisi, bugun uch farzandi – podpolkovniklar Xurshid, Jamshid va Umidjon Akmalovlar ota izidan borib, uning kasbini sharafla davom ettirmoqda. Kelgusida ularning farzandlari ham sulolaning munosib davomchilari bo'lishiga shubha yo'q.

Hozirda 70 yoshni qoralab qolgan faxriy turmush o'rtog'i Nazokat aya bilan 8 nafar nevaraning sevimli bobo va buvisi bo'lishdek baxtdan masrur holda umrguzaronlik qilayotir.

«KASBIM BILAN FAXRLANAMAN!»

Safdor Iskandar Ro'ziyev 20 yillik tajribaga ega xodim. Ilk xizmat faoli-



yatini qo'riqlash xizmatida boshlagan lavhamiz qahramoni, 15 yildirki, haydovchi lavozimida xizmat olib boryapti. U tergov-tezkor guruhini voqea joyiga zudlik bilan olib borib, jinoyatlar «issiq izida» fosh etilishiga munosib hissa qo'shib kelmoqda.

– Ichki ishlar organlarida faoliyat yuritayotganimdan juda mamnunman, – deydi safdor I.Ro'ziyev. – Sababi, shu kasbdan hurmat, obro'ga ega bo'ldim. Sohada xizmat qilish istagida bo'lgan yoshlarga sharaflil kasbimizning mas'uliyati va yutuqlari haqida faxr bilan so'zlab beraman.

«Ot izini toy bosar», deydi. Iskandar Ro'ziyevning



Bo'ka
nominining kelib chiqishi, ba'zi manbalarga ko'ra, turkiy xalqlarning bo'ka (bo'ke) urug'i nomidan olingan bo'lib, «zo'r», «kuchli», «pahlavon» degan ma'nolarni bildiradi. Ushbu so'zning mam-lakat, joy, pastlik degan ma'nolari ham bor.



o'rtancha o'g'li Erkinbek ota kasbiga juda qiziqadi. U kelajakda ichki ishlar organlari ofitseri bo'lib, padari buzrukvorining ishini davom ettirish niyatida.

Shu bilan birga, sohaviy xizmatlar bilan o'tkazilayotgan o'quv mashg'ulotlari ham yosh xodimlarning saviyasini oshirishda muhim o'rin tutmoqda.

EL KORIGA KAMARBASTA

Tuman hududida yo'l harakati, jamoat tartibini saqlash va fuqarolar xavfsizligini ta'minlash borasida ham zarur chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Hudud osoyishtaligini

DALILLAR BILAN SIRLASHIB

Tuman IIB Ekspert-kriminalistika guruhi xodimlarining o'tgan yil boshidan hozirga qadar 300 ga yaqin voqea joylarini ko'zdan kechirib, ko'plab qidiruv va tergov harakatlarida ishtirok etishdi. Gumonlanuvchi, jabrlanuvchi, muqaddam sudlangan hamda profilaktik hisobda turgan va jinoyat qilishga moyil bo'lgan 11 ming 850 nafar shaxsdan olingan qo'l-barmoq izlari daktokartalari viloyat IIBB Ekspert-kriminalistika markaziga ADTT bazasiga kiritish uchun yuborildi. Daktiloskopiya, ballistika, avtotexnika, trasologiya va sovuq qurol ekspertizasi yo'nalishlarida esa 871 ta ekspertiza xulosasi yozildi.

Tizimda «Ustoz-shogird» an'anasi ham yaxshi yo'lga qo'yilgan bo'lib, yosh xodimlarga tajribali murabbiylar birlashtirilmoqda. Bu yosh xodimlar kasb sirlarini puxta o'zlashtirishida muhim poydevor bo'lmoqda.

– Qonunbuzarliklarni «issiq izida» fosh etishda ustozlardan olingan bilim va ko'nikmalar o'z so'zini aytmoqda, – deydi tuman IIB EKG eksperti, kapitan Sohibjon Nomozov. –



ta'minlashda hamkasblariga namuna bo'lib kelayotgan podpolkovnik Nodir Xo'jamov, mayor Izzat Alimov, kapitan Bekzod Dehqonboyev, katta leytenant Mansur Abdujabborov va katta serjant Farrux Jalilovlar fidokorona xizmatlari bilan rahbariyatning ham ishonchini qozonib kelishmoqda.

E'tiborlisi, biz yuqorida faoliyatini yoritishga harakat qilgan xodimlar va faxriylarning aksariyati yillar va yo'llar davomida xalq xizmatiga kamarbasta bo'lgan, el osoyishtaligiga erishish maqsadida uzoq yo'llarni bosib o'tgan insonlardir. Zero, zahmatlarga to'la yillar va mardonavor bosib o'tilgan yo'llargina xalq tinchligi va el-yurt farovonligiga xizmat qiladi.

Mixli SAFAROV,
o'z muxbirimiz.

Toshkent viloyati.

YOSHLAR – KELAJAK BUNYODKORI

KOMILLIK KASB ETIB

Namangan viloyati IIB Huquqiy statistika va tezkor hisob ma'lumotlar bo'limi katta mutaxassisi, leytenant Asadbek Umarxo'jayev 2024-yilda IIV Akademiyasini tamomladi. Akademiyada ham Axborot texnologiyalari sohasidagi jinoyatlarga qarshi kurashishga ixtisoslashtirilgan guruhda tahsil olib, malakali ustozlardan kiberjinoyatlarni fosh etish borasida ilg'or tajribalarni puxta egalladi. Ilmiy-ijodiy faoliyatda yuqori natijalarga erishgani uchun «Innovatsion targ'ibotchi» esdalik ko'krak nishoni bilan taqdirlangan. 2024-yilning yanvar-may oylarida Toshkent shahar IIBB Axborot texnologiyalari sohasidagi jinoyatlarga qarshi kurashish boshqarmasida stajyor-kiberxavfsizlik xodimi sifatida 14 ta kiberjinoyatni fosh etishda ishtirok etgan.



Hozirda Asadbek yuritayotgan hisobotlar orqali jinoyatchilik to'g'ri tahlil qilinib, kerakli yo'nalish beriladi, kelgusida amalga oshirilishi lozim bo'lgan strategiya ishlab chiqiladi.

– Muvaffaqiyatlar asosi otamning talabchanligi deb bilaman. Agar biror ishni noto'g'ri qilgan bo'lsam, qattiq gapirmay, koyimay, oqibatini bosiqlik bilan, to'g'ri tushuntirardi. Ko'pincha, o'z hayotiy tajribalaridan misollar keltirardi.

Asadbek ayni paytda Toshkent Axborot texnologiyalari universitetining «Kiberxavfsizlik injineri» yo'nalishida 2-bosqich talabasi. Kelajakda magistratura yo'nalishida ham o'qish niyatida.

Uning otasi Shuhratjon Akramov iste'fodagi leytenant, keyingi yillarda ta'lim sohasida samarali faoliyat yuritib kelmoqda. Onasi Dilfuzaxon esa shifokor. Ular farzandlaridan faxrlanishadi. Sherzodxo'ja Mudofaa vazirligiga qarashli harbiy qismda shartnoma asosida xizmat qiladi, Bekzod shifokor-jarroh.

Farzandlar kamolida barcha yaxshi fazilatlarini yuzaga chiqaradigan bu oiladagi an'analarni ibrat qilib ko'rsatsak arziydi.

Gulchehra BUVAMIRZAYEVA,
o'z muxbirimiz.

Namangan viloyati.

MUTOLAA SEHRI

EZGULIKKA ESH SABOQLAR

Ichki ishlar organlari xodimi bo'lsam-da, kitobga mehrim bo'lakcha. Kitob o'qishni sevadigan, buning uchun vaqt topadigan inson ekanimdan faxrlanaman. Kitob nafaqat dunyoqarashni kengaytiradi, balki kishiga ma'naviy ozuqa ham beradi. Kitob bilan oshno bo'lgan shaxs doim ezgu orzu-havaslarga intiladi. Atrofdagi jarayonlarga, odamlarga munosabati o'zgaradi. Ularga yaxshilik qilishga, ezgulik sari boshlashga o'zini otlantiradi.

Yaqinda Erix Mariya Remarkning «Uch og'ayni» asarini o'qib tugatdim. Jahon adabiyotining durdonalaridan bo'lgan ushbu asardagi voqealar o'tgan asrning aynan Birinchi jahon urushi tugagan vaqtlarida sodir bo'ladi. Urushdan horib, yarim vayrona holda chiqqan Yevropaning tipik vakillari Robbi, Lens va Kester avtomobil ustaxonasida ishlashadi. Ular eski avtomobillarni ta'mirlashadi, keyin qayta sotishadi.

Asarning asosiy qahramoni Robbining qalbiga muhabbat tashrif buyuradi. Shu tariqa, shirin tuyg'ularga boy sevgi sarguzasht boshlanadi. Bu sarguzasht o'sha davrga taalluqli bo'lgan kambag'allik, yetishmovchilik orqali kechadi. Uch og'ayning g'aroyib sarguzashtlari orqali kitobxon o'tgan asr boshida ham muhabbat, nafrat kabi tuyg'ular hozirgi odamlarning shu kabi



hissiyotlaridan farq qilmasligiga amin bo'ladi.

Menda katta taassurot qoldirgan yana bir asar Seton Tompsonning «Yovvoyi yo'rg'a» nomli to'plami bo'ldi. Kitob tabiat va inson uyg'un ekanini, jonivorlarda ham qalb borligini isbotlab beradi. O'n to'qqizinchi asrning oltmishinchi yillarida hali insoniyat tabiatdan o'zini ayro tutar, atrofdagi barcha jonivorlarga bepisand munosabat shakllangandi. Ushbu kitob esa hayvonot dunyosiga qarashlarni o'zgartirish fursati kelganini ta'kidlaydi. Ayniqsa, yovvoyi yo'rg'a haqidagi hikoya kishida katta taassurot qoldiradi. Bir guruh shaxslar tabiatda erkin yurgan nihoyatda chiroyli, kuchli, o'z to'dasining egasi bo'lgan otni ovlash, uni sotib katta pulga ega bo'lish talvasasiga tushishadi. Lekin yovvoyi yo'rg'a shu darajada epchil va jasur

ediki, uncha-muncha ovchi bu ishning uddasidan chiqib olmaydi. Lekin egri niyatli kimsalar orasida ustomonlari ham bor edi. Uning hiylasiga uchgan benazir ot tushovga tushib qoladi. Lekin kuchli, baquvat otni bo'ysundirishning o'zi bo'lmaydi. Bo'yniga arqon solingan bo'lsa-da, yo'rg'a ovchini tepalikka sudrab boradi va o'zini tik jordan pastga tashlaydi. Shu tariqa, u o'zining erkini boy berishdan ko'ra o'limni afzal biladi.

Muxtasar aytganda, kitobxonlik barcha insonlar qatori, ichki ishlar xodimlari uchun ham nihoyatda foydali. El-yurt osoyishtaligiga kamarbasta bo'lgan shaxslarda bu kabi asarlar ruhan kuchlilik, irodalilik, eng muhimi, ezgu g'oyalarga sadoqatlilikni shakllantiradi.

Zafar PRIMQULOV,
Sirdaryo viloyati IIB
TVBSO komandirining
o'rinbosari, mayor.

KINOLOGIYA XIZMATI

«AROM» – SADOQATLI DO'STIM – deydi safdor Maqsud Mirjambulov

Toshkent viloyati IIB JXX JTSB Kinologiya bo'limi iz-qidiruv guruhi instruktor-kinologi, safdor Maqsud Mirjambulov o'zining «Arom» laqabli xizmat iti bilan jamoat tartibini saqlash va jinoyatchilikning oldini olishga munosib hissa qo'shib kelayotir.

...O'tgan yilning yoz oylari edi. Viloyat IIBB Navbatchilik qismiga Yangiyo'l tumanidagi xonadonlarning birida qotillik jinoyati sodir etilgani haqida xabar kelib tushdi. Tergov-tezkor guruhi tarkibida voqea joyiga yetib borgan Maqsud aqlli «yordamchisi»ga jinoyat joyidan hid oldirgach, u darhol hovlining to'ridagi devor tomoniga yugurdi. U yerni bir-ikki marta paypaslagach, hovlidan tashqariga chiqib, dalaga chopdi. Shu tariqa, dehqonlardan birining chaylasi oldiga

mutaxassisligi bo'yicha tahsil olgach, harbiy xizmatdan so'ng biroz muddat profilaktika inspektori yordamchisi bo'lib faoliyat ko'rsatdi. Keyinchalik viloyat IIBB 1-mintaqaviy muvofiqlashtirish markazi kinologiya xizmati kichik instruktor-kinologi lavozimida xizmatni davom ettirdi. Unga ustoz, hozirda iste'fodagi serjant To'rabeq Isayev uch yil davomida kasbga oid bilim va malakasini boyitdi.

Avvaliga «Reks» va «Vulkan» laqabli xizmat itlarini



borib, bezovtalana boshladi. So'ngra ichkariga kirdi-da, erkak kishining kiyimlari osilgan stulning yoniga borib to'xtadi va Maqsudga yuzlandi.

Bu kiyimlar kimniki ekani deya javob berdi ota-onasi. Keyin o'g'il bir kun oldin jallashib, bu yerdan ketib qolganini aytishdi. Ko'p o'tmay jinoyatchi qo'lga olinib, qilmishini tan oldi.

Bunday voqealar safdor M.Mirjambulovning faoliyatida ko'plab uchrab turadi. Jumladan, birgina o'tgan yilning o'zida o'g'rilik, talonchilik, bosqinchilik va qotillik kabi 4 ta jinoyatni «issiq izida» fosh etishning uddasidan chiqdi. Bunda «Arom»ning ham xizmati beqiyos.

– Har kuni ertalab sadoqatli do'stimni tibbiy ko'rikdan o'tkazib, mashg'ulotlar maydoniga chiqamiz, – deydi lavhamiz qahramoni. – U bilan birga hodisa joyida tushirib qoldirilgan qaysidir buyumi asosida jinoyatchini qidirib topish mashqlarini bajaraman. Shu tariqa, uni xizmatga tayyorlayman.

Sohada besh yildan buyon xizmat olib borayotgan Maqsud Qibray tumanidagi o'rta maxsus ta'lim muassasalarining birida kinologiya

tarbiyalagan yosh xodim ular bilan muntazam shug'ullanib, sohaning chinakam jonkuyariga aylandi. Tajribasini oshirib, yutuqlar sari dadil odimlay boshladi. Xususan, Chirchiq oliy tank qo'mondonlik muhandislik bilim yurtida o'tkazilgan «ArMI – 2022» xalqaro armiya o'yinlari doirasidagi «Sodiq do'st» musobaqasi bahslarida «To'siqlarni yengib o'tish» yo'nalishida qatnashib, 2-o'rinni qo'lga kiritdi. O'tgan yili Surxondaryoda kinologlar o'rtasida o'tkazilgan ko'pkurash musobaqasida ham «Arom» o'ziga bildirilgan ishonchni to'la oqladi.

Bugungi kunda bilimini oshirish uchun IIV Akademiyasida sirdan ta'lim olayotgan Maqsud Mirjambulov sohaga doir adabiyotlarni mutolaa qiladi. Xizmatdan bo'sh paytida sport bilan shug'ullanadi.

Uning turmush o'rtog'i Zahroxon ham oliy ma'lumotli mutaxassis bo'lish uchun sirdan tahsil olish bilan birga, Parkent tumanidagi maktabgacha ta'lim muassasalarining birida tarbiyachi bo'lib ishlaydi. Hozirda birgalikda Imona ismli qizalog'ini voyaga yetkazishmoqda.

Mixli SAFAROV,
o'z muxbirimiz.

Toshkent viloyati.



HAZINIYNI ESLAB...



**XIX asr oxiri
XX asr boshlaridagi
Qo'qon adabiy muhitining
ko'zga ko'ringan vakili bo'lgan
Haziniy ijodi yillar davomida xalqi-
mizning ma'naviy olamini boyitishga
xizmat qilib kelmoqda. Uchko'prik tu-
manidagi Kenagas qishlog'ida tashkil
etilgan Haziniy uy-muzeyi esa shoir
hayoti va ijodiga qiziquvchi kitob-
sevar kishilarning eng sevimli
manziliga aylangan.**



Haziniy she'riyatining eng muhim xususiyatlaridan biri xalq tili va diliga yaqin usulda ijod qilganligidir. Uning adabiy merosi – to'rt ming misra atrofida. Buyuk shoir murabba, muxammas, musaddas kabi janrlarda qalam tebratgan bo'lsa-da, uning ijodida asosan g'azal janri yetakchilik qiladi.

Shoirning she'rlari hofizlar tomonidan kuyga solinib, xalq sayillarida, to'ylarda va turli ma'rakalarda aytib yuriladi. Masalan, «Tong otguncha» radifli g'azali ham Haziniy adabiy ijodining e'tirofga sazovor yana bir mahsulidir. Ushbu g'azal asosida «Farg'ona tong otguncha» qo'shig'i yaratilib, unga Muxtorjon Murtazoyev kuy bastalagan. Haziniy ijodidagi pand-nasihatlar, o'gitlar barkamol avlod tarbiyasida muhim ahamiyat kasb etadi.

Haziniy 1923-yilda vafot etgan bo'lib, Kenagas qishlog'idagi qabristonga dafn etilgan. Hozirda ushbu qabriston obodonlashtirilib, shoir qabri ustiga maqbara qurilgan.

Prezidentimiz tashabbusi bilan shoir shaxsiyatiga ehtirom sifatida bir qator ijobiy ishlar amalga oshirildi. Xususan, viloyat Madaniyat boshqarmasi tomonidan muzeyning ilmiy konsepsiyasi, ekspozitsiyalar mavzulari ishlab chiqildi. Ha-

ziniy davri va uning adabiy merosi bilan aloqador ekspozitsiyalar yig'ilib, muzey ekspozitsiyasi 400 dan ziyodni tashkil etdi. Ekspozitsiyalarning aksar qismi Haziniy yashagan davr tarixi va madaniyati bilan bog'liq bo'lib, ushbu buyumlar XIX asr

roriga asosan tashkil etilgan. Ayni kunda Farg'ona viloyati tarixi va madaniyati davlat muzeyi filiali sifatida o'z faoliyatini olib bormoqda.

– Ma'naviy manzimizga tashrif buyuruvchilar soni yildan-yilga ortib boryapti, – deydi muzey rahbari



oxiri va XX asr boshlaridagi Qo'qondagi madaniy hayot, adabiy muhit haqida ma'lumot beradi.

Ushbu uy-muzey Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 26-iyuldagi «Erkin Vohidov memorial muzeyi hamda Haziniy uy-muzeyi faoliyatini tashkil etish to'g'risida»gi qa-

Nargiza Vahobova. – O'tgan yilda 4 ming nafardan ortiq hamyurtlarimiz tashrif buyurib, Haziniy hayoti va ijodi haqida batafsil ma'lumotga ega bo'lishdi.

Abduvosit SIDIQOV,
o'z muxbirimiz.

Farg'ona viloyati.

Jahoni bevafo din oxiri bir kun
ketar bordur,
Bu dunyo bir rabot, har kim
qo'nub bir-bir o'tar bordur.

Ishonma bog'-u rog'ing,
mol-u mulku taxt-u baxtingga,
Quyoshdin ibrat olg'il,
turmayin oxir botar bordur.

Agar ming yil umr ko'rsang,
jahong'a podsho bo'lsang,
Bo'lub xoki mazallat,
go'r arosida yotar bordur.

Ibodot aylag'il tangrig'a doim,
uxlamay tunlar,
Imoningni salomat eltgali
necha xatar bordur.

Yigitlik davrini surgil,
qarib toat qilursan deb,
Savobingga Xudo muhtoj emas,
deb o'rgatar bordur.

Haziniy, bandalikda,
bas yurursan bexabar, g'ofil,
«Kiroman kotibayn»kim xayr-u
sharringni bitar bordur.



Haziniy g'azallari QR-kodi.



«Farg'ona tong otguncha» qo'shig'i QR-kodi.



QILMISH – QIDIRMISH

BUKRINI GO'R TUZATAR

Katta hayotga qadam qo'yib, o'qish yoki biror ishning boshini tutish o'rniga, umrining asosiy qismini qamoqda o'tkazgan Alijon (ism-shariflar o'zgartirildi) o'g'irlik jinoyatiga qo'l urib, jazo muddatini o'tab chiqar va yana qayta qing'irliklarni sodir etaverardi.



Oxirgi qilmishini hisobga olmaganda, Alijonning turli jinoyatlari uchun sud tomonidan tayinlangan jazolar muddatini hisoblab chiqsak, 20 yildan osharkan. Bir insonning shuncha yil panjara ortida o'tirishini tasavvur qilavering.

Shu zaylda hayotining aksariyat qismi panjara ortida erksiz va mazmunsiz o'tdi. Bu orada oilasidan ayrildi. Ota-onasidan qolgan kichkina hovlida boyo'g'lidek bir o'zi yashab kelayotgandi. Bir vaqtlar mahallaning eng fayzli uyi bo'lgan bu hovli qarovsizligi tufayli xarobaga aylangan...

Xavfli retsidivistga aylangan Alijon Chilonzor tumani «Beshqo'rg'on» mahallasida joylashgan bozor avtoturargohida aylanib yurib, uyali telefon orqali so'zlashayotgan yigitga ko'zi tushdi. Yigitcha so'zlashib bo'lgach, narxi uch million so'm bo'lgan «Redmi note 10 S» telefonini cho'ntagiga solganida, uni o'g'irlash fikri tug'ildi. Muhammad ismli ushbu fuqaro yo'nalishli taksiga chiqayotganida, u ham

yo'lovchi sifatida ortidan ergashdi. Ammo telefonni ustalik bilan qo'lga kiritgach, tezda boshqa tomonga yo'nalib, juftakni rostladi.

Ichki ishlar organlari xodimlari tomonidan qo'lga olingan ayblanuvchi tergov jarayonida o'sha kuni biroz spirtli ichimlik ichgani, nima qilayotganini bilmaganini ro'kach qilib, qilmishini xaspo'shlamoqchi bo'ldi. Lekin jinoyat qay holatda sodir etilmasin, u baribir jinoyat. O'g'irlagan telefonni o'ziga tegishliligi, pulga muhtojligidan sotayotganini aytib, 400 ming so'mga pullab yuborgan.

Sudda 1976-yilda tug'ilgan P.Alijonning qilmishiga qonuniy baho berilib, Jinoyat kodeksining tegishli moddasiga ko'ra, 5 yil muddatga ozodlikdan mahrum etildi. U yana panjara ortiga ravona bo'ldi. «Bukrini go'r tuzatar» deganlari shu bo'lsa kerak-da...

Bobur JUMABOYEV,
katta leytenant.

Toshkent shahri.

ASLI QORA OQARMAS

Mazkur maqolni Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumani «Chandir» mahalla fuqarolar yig'inida yashovchi X.Q.ga nisbatan bemalol qo'llash mumkin. Bunday deyishimiz sababi ushbu shaxs firibgarlik qilgani uchun 6 marta sudlanib, jazosini olgan. Shunga qaramay o'zini yana jinoyat qilishdan tiya olmayapti.

«Qahramonimiz» ijtimoiy tarmoqda guruh ochib, xalq ta'limi tizimi yangiliklarini, xususan, onlayn tanlov o'tkazilishiga oid e'lonlarni joylay boshladi. Bundan ko'zlagan maqsadi tanlovda ishtirok etish istagini bildirganlarning pullarini shilish edi.

Aldov ustasining tuzog'iga tushganlardan biri Jizzax shahrining «Do'stlik» mahallasida istiqomat qiluvchi G.B.dir. Chunonchi, muallima firibgar tomonidan o'ylab topilgan ko'rik-tanlovda qatnashish niyatida faoliyatiga oid materiallarni o'zini hakamlar hay'ati a'zosi, deya tanishtirgan X.Q.ga taqdim etdi.

O'z navbatida, firibgar bir necha kundan so'ng ayolga qo'ng'iroq qilib, uning g'olib bo'lganligini bildirdi. Gapining isboti sifatida QR kodli diplomning fotosuratini ijtimoiy tarmoq orqali jo'natdi. Keyin taqdirlash marosimini o'tkazish va sovrin uchun deb G.B.dan 2 million 300 ming so'm so'radi.

O'qituvchi o'ylanib o'tirmasdan aytilgan pulni o'zga shaxsning bank plastik kartasiga o'tkazib berdi.

Bundan tashqari, X.Q. mukofot topshirish marosimini televideniye-da yoritish xarajatlari, deya ayoldan yana 2 million so'm undirishning ud-dasidan chiqdi. Shu-shu muttaham bilan aloqa uzilib qoldi.

Tabiiyki, aldanganligini sezgan G.B. ichki ishlar organiga murojaat qildi. O'z navbatida, soha vakillari

tezkor tadbirlar o'tkazib, gumon qilinuvchini qo'lga olishdi. Surishtiruv jarayonida mazkur shaxs aynan shu yo'l bilan yana ikki nafar jizzaxlik o'qituvchiga pand bergani aniqlandi. Chunonchi, Sh.K.ning 4 million

300 ming so'mini, uning hamkasbi D.Z.ning 3 million so'mini o'zlash-tirgan.

Bu hammasi emas, tergov davomida ayblanuvchi boshqa viloyatlarda yashovchi anchagina muallimlarni o'tkazilmagan tanlovda g'olib chiqqanligiga ishonirib, chuv tushirgani ayon bo'ldi. Qisqasi, qallob bu qilmishlari uchun yana panjara ortiga yo'l oldi.

Alijon ABDUSATTOROV,
o'z muxbirimiz.

Jizzax viloyati.



BIR JINOYAT IZIDAN

Ayrim jinoyatlarni ochish uchun yillar kerak bo'ladi, ba'zilar «issiq izi»da fosh etiladi. Shunday paytlar ham bo'ladi, izquvarning ichki sezgisi tufayli kalavanning uchi topiladi.

Davlatobod tumanilik 72 yoshni qoralagan Fyodor Romanov (ism-shariflar o'zgartirildi) yolg'iz o'zi istiqomat qilardi. U aeroportda texnik xodim bo'lib ishlab, pensiyaga chiqqandi. Fedya amaki tartib-intizomni yaxshi ko'radigan odam bo'lsa-da, oilaviy hayoti o'xshamadi, ayoli bilan ajrashdi. Keyin boshqa oila qurmadi. Ish bilan andarmon bo'lib, hayoti bir maromda o'tib turgan edi. Pensiyaga kuzatilgach, o'zi tengi ulfatlari bilan gaplashib, ovunib yurdi. Bu orada ichkilikka ruju qo'ydi.

Fedya amaki o'zidan o'n yoshlar chamasi kichik bo'lgan Ahror Mahkamov bilan yaqin bo'lib ketgandi. U pensiya pulini olgan kunlari juda xursand bo'lib ketar, tez-tez betob bo'lib qolgani uchun bozorlik qilishni ham Ahrorga ishonardi.

Ahror qanday odam edi, deb qiziqayotgan bo'lsangiz kerak. U birovning haqidani qo'rqmaydigan, insofsiz kishi bo'lib, nafsining buzuqligi ortidan bir necha bor sudning qora kursisiga o'tirgan. Ammo bundan o'ziga to'g'ri xulosa chiqarmagandi. Ahror kunora Fedya amakining dasturxonidan non-tuz yeb o'tirib, uning mastligidan foydalanib, uydagi ba'zi

buyumlarni o'g'irlab ketishni odat qildi. Oxiri ish shu darajaga borib yetdiki, Fedya Romanovning uyidan katta-katta narsalar yo'qola boshladi.

O'tgan yilning fevral oyi o'rtalarida Fedya Romanovning uyi yonib, qariya vafot etdi. Qo'ni-qo'shnilar qariyaning ehtiyotsizligi yong'inga sabab bo'lgan deb o'ylashdi. Viloyat IIB TQX Jinoyat qidiruv boshqarmasi mas'ul xodimlari murdani sud-tibbiy ekspertizaga tekshirish uchun yuborishdi. Ekspertiza xulosasiga ko'ra murda tanasidan kerosin moddasi topilib, marhumga nisbatan suiqasd uyushtirilgani

ICHKI SEZGISI ALDAMADI

aniqlandi. Viloyat prokuraturasi tomonidan ushbu holat bo'yicha jinoyat ishi qo'zg'atildi.

Shundan so'ng Jinoyat qidiruv boshqarmasi katta tezkor vakili, mayor Jo'rabek Karimov voqea joyini qayta-qayta ko'zdan kechirdi. Izquvarning e'tiborini xonadon tashqarisiga olib chiqib qo'yilgan televizor va boshqa buyumlar tortgan edi. Fedya amakini taniydigan qo'ni-qo'shnilar so'roq qilinganda, qariya doim uyda televizor ko'rganini aytishdi. Xullas, tashqariga olib chiqilgan asbob-anjomlar kimdir xonadondan o'g'irlik qilmoqchi bo'lganini anglatib turardi.

Mayor Jo'rabek Karimov avval Davlatobod tumani IIB JQBda ishlab yurgan kezlari Ahror ismli

shaxsiga nisbatan jinoyat ishi qo'zg'agan edi. Izquvar shuni eslab qoldi. Surishtiruv jarayonida Ahrorning suratini ko'rgan qo'ni-qo'shnilar bu yigit Fedya Romanovning uyiga tez-tez kelib turganini aytishdi.

Shundan so'ng o'n yillik tajribaga ega xodim ichki tuyg'usi bilan qotilning topilganiga to'la ishongan edi. U to'g'ri gumon qilinuvchining uyiga yo'l oldi. Ahror eshikdan shaxt bilan kirib kelgan xodimni ko'rib, rangi oqarib ketdi. Salomlashgach, izquvar qat'iyat bilan dedi:

– Agar, aybingizni tan olib, voqea haqida o'zingiz aytib bersangiz, aybingiz yengillashadi. Men bilan idoramizga borib, hammasini o'zingiz aytib bering.

Ahror mohir izquvarning so'ziga itoat etdi. U barcha voqealarni bayon qilar ekan, Fedya Romanovni buyumlarini olib ketmoqchi bo'lib, uning uyiga o't qo'yganini aytdi. So'ng g'o'ldirab qilmishi uchun kechirim so'radi...

Gulchehra BUVAMIRZAYEVA,
o'z muxbirimiz.

Namangan viloyati.

Namangan viloyati IIB rahbariyati va shaxsiy tarkibi viloyat IIB JXX HPB xodimi, podpolkovnik Zafarjon Abdullayevga qizi **Hilolaxon ABDULLAYEV**ning vafoti munosabati bilan hamdardlik bildiradi.

ИНГАЛЯЦИЯ: ФОЙДАСИ ВА ЗАРАРИ



Йилнинг бошқа фаслларига қараганда, қишда кўпчиликни томоқ оғриғи, йўтал тез-тез безовта қилади. Шифокорлар қуруқ ва нам йўтални даволаш учун ингаляция муолажасини тавсия этади. Биринчи навбатда, ингаляция шиллиқ қаватларни намлайди, бу бир муддат оғриқли хуружлардан халос бўлишга ёрдам беради. Иккинчидан, нафас олиш балғам кўчишини фаоллаштиради, тузалиш жараёнини тезлаштиради.

Хўш, уй шароитида ингаляция орқали ўзи ва фарзандларини даволаш тўғрими? Шу каби саволлар билан ИИБ Марказий поликлиникаси жарроҳлик бўлинмаси шифокор-оториноларингологи Шухрат Қурбоновга мурожаат этдик.

– Ингаляция – нафас йўлларида дориларни тўғридан-тўғри юбориш усули бўлиб, асосан нафас йўллари касалликлари, бронхит, астма, тонзиллит ва ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) даврида қўллаш мумкин, – дейди мутахассис. – Мазкур даволаш усулининг афзаллиги шундаки, ингаляция йўли билан қилинадиган дорилар беморга тез таъсир кўрсатади, касаллик енгиллашади.

Агар уйда ушбу жараён ўтказилиши керак бўлса, бир нечта муҳим қоидаларга эътибор бериш лозим. Биринчидан, беморда тана ҳарорати кўтарилган бўлса, ингаляция

тавсия этилмайди. Иккинчидан, буг ҳарорати 30–40 даражадан ошмаслиги керак, ўта иссиқ компонентлар шиллиқ пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Учинчидан, ингаляция касалликнинг биринчи аломатларида, томоқ соҳасидаги ачишиш бошланиши ва қуруқ йўтал пайдо бўлиши биланоқ амалга оширилса, самарали бўлади. Тўртинчидан, иложи бўлса, небулайзердан фойдаланиш муҳим – бу чуқур идиш ёки чойнак ичидаги иссиқ сув устида нафас олишдан кўра осон ва хавфсизроқдир.

Ингаляция учун дориларни ўзича танлаш мумкин эмас, мутахассис шифокор томонидан аниқланган касалликларга мувофиқ дорилар тавсия этилса, тузалиш осонлашади. Масалан, қуруқ йўтал учун доривор гиёҳ қайнатмалари – мойчечак, салбия (шалфей), далачой, календула, малина барглари, ялпиздан фойдаланиш мумкин. Булар яллиғланишга

қарши муколитик ва антисептик таъсирга эга. Гиёҳ 30 дақиқа давомида қайнатилди ва кичик идишга куйилди. Унинг буғидан 10–15 дақиқа давомида нафас олинади. Доривор дамламани чойнакка куйиб, унинг жўмрагига қоғоз кўйиб нафас олса ҳам бўлади.

Истеъмол содаси турли вируслар ва микробларга қарши курашда самарали восита ҳисобланади. 1 чойқошиқ содали сувни бир литр иссиқ сувда суюлтирилади, 10 дақиқадан кўпроқ вақт давомида унинг буғидан нафас олинади.

Муолажани ўтказишнинг ҳам ўз қоидалари мавжуд.

* Небулайзер тозаланишига алоҳида эътибор бериш, уни ҳар гал қўллашдан олдин ва кейин тозалаб ювиш зарур.

* Ингаляцияни овқатланишдан камида 1 соат олдин ёки 1 соат кейин ўтказиш мақсадга мувофиқ.



* Муолажа вақти 5–10 дақиқадан ошмаслиги муҳим.

* Муолажадан сўнг 15–20 дақиқа ташқарига чиқмаслик ва томоқ соҳасини иссиқ тутиш лозим.

* Тана ҳароратининг кўтарилиши, бурун қонаши ҳамда бодомча безларининг йирингли яллиғланишида ингаляция тавсия этилмайди.

Унутманг, ингаляциядан ўзбошимчалик билан фойдаланиш турли кўнгилсиз ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис мазкур муолажани қўллашдан аввал, албатта, шифокор билан маслаҳатлашинг.

Адолат ФАЙЗИЕВА
ёзиб олди.

СИГНАЛЫ, КОТОРЫЕ ПОДАЕТ ОРГАНИЗМ

1. Припухлые веки. Таким образом организм может «сообщать» вам о проблемах с почками, особенно если это сопровождается ощущением общей разбитости и холодной, бледной на вид кожей.


2. Болезненная чувствительность глаз к яркому свету. Иногда это симптом «сенной лихорадки» (поллиноза – аллергии на цветение растений), еще чаще – признак недостатка витамина А. В таком случае нужно больше есть, моркови, томатов и сыра.

3. Изменение белков глаз, темные круги под глазами. Если у вас покраснели белки глаз, измерьте давление, оно может быть повышено. Желтизна поведает о высоком содержании билирубина в печени. Темные круги под глазами могут сигнализировать о недосыпании и истощенности организма. Также врачи



рекомендуют обследовать сердце, так как иногда такое потемнение является симптомом сердечной патологии. Если врач исключил возможность заболевания, то можете каждое утро делать массаж – по 5 минут нужно медленно делать круговые движения вокруг глаз безымянными пальцами, немного надавливая.

4. Потрескавшиеся губы. Если появились трещинки в уголках рта и на губах, вы чувствуете



те мышечную слабость, начали выпадать волосы и возникли проблемы с концентрацией – это явный признак нехватки витамина В₂ (рибофлавина). Восстановить баланс вам помогут яйца, молочные продукты, орехи, помидоры, груши, персики, соя и цветная капуста.

5. Запах изо рта. Если нет банальных причин для этого признака, то вам стоит проверить уровень сахара в крови. При «аммиачном» запахе нужно

проверить почки и печень, а при появлении гнилостного запаха стоит проверить на хронический бронхит.

6. Налет на языке. Белый – частый «спутник» людей которые простужены. А если при этом появляется покраснение краев языка, то велика вероятность гастрита.

Бледно-серый налет на языке может быть причиной нарушения функций желудочно-кишечного тракта. А если этот симптом сопровождается припухлостью губ и сухостью кожи, то скорее всего организму не хватает железа.

Совет: употребляйте меньше крепкого чая и кофе. А в рацион питания включите петрушку, белые грибы, рыбу, печень, побольше яблок и цитрусовых.

7. Бороздки на ногтях. Одна поперечная бороздка может образовываться



если была повреждена зона роста ногтя. А многочисленные бороздки говорят об авитаминозе или хроническом стрессе. Если у вас появились продольные бороздки на ногте, то это признак плохого пищеварения. Долго не пропадающие бороздки «сообщают», что нужно обследовать поджелудочную железу.


8. Сухость во рту. Обычно это реакция на стрессы и переживания.



Если же сухость длится долго, и вы стали раздражительны, то ваш организм нуждается в витамине В₃ (никотиновой кислоте). Его вы найдете в мясе птицы, орехах, говядине и пророщенной пшенице. Следует также учитывать, что сухость во рту иногда возникает при воспалении слюнных желез или начальной стадии сахарного диабета.

9. Шелушащаяся кожа. Нередко кожное шелуше-

ние является причиной недостатка витаминов А и В₂. Уделите внимание вашему



меню. Полноценное питание вернет вам здоровье и красоту. Но если шелушение сопровождается зудом и покраснением, то следует обратиться к дерматологу.

10. Увеличение лимфатических узлов. Это сигнал, говорящий о воспалительных процессах в организме. И речь может идти как об обычной простуде, так и более сложном заболевании, требующим медицинского осмотра.

11. Повышенная потливость. Нужно обследовать щитовидную железу. Обильная потливость по ночам может сигнализировать о нервном истощении.

12. Медленное заживление ран. Скорее всего в организме наблюдается дефицит цинка, который можно легко восполнить, включив в меню морепродукты и бобовые.

ЖЕМЧУЖИНЫ МУДРОСТИ

«Порой мы видим многое, но не замечаем главного».
КОНФУЦИЙ.

«Терпенье одолеет все дела,
А спешка лишь к беде всегда вела».

Алишер НАВОИ.

«Тот, кто говорит много, говорит без толку».

Захириддин Мухаммад БАБУР.

«Жизнь задыхается без цели».

Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ.

«Успех – не окончателен, провал – не фатален: имеет значение лишь смелость продолжить путь».

Уинстон ЧЕРЧИЛЬ.

ПОЧЕМУ ЛЮДИ КРИЧАТ?

Однажды наставник спросил учеников:

– Почему люди при ссорах повышают голос?


– Наверное, они теряют спокойствие, – предположили ученики.

– Но зачем повышать голос, если второй человек находится рядом с тобой? – спрашивает наставник.

Ученики недоуменно пожимали плечами. Им это и в голову никогда не приходило. Тогда наставник сказал:

– Когда люди ссорятся и недовольство между ними возрастает, их сердца отдаляются. А вместе с ними отдаляются и их души. Чтобы услышать друг друга, им приходится повышать голос. И чем сильнее их обида и злость, тем громче они кричат. А что же происходит, когда люди влюблены? Они не повышают голоса, а говорят очень тихо. Их сердца находятся совсем рядом, а расстояние между ними практически полностью стирается. Они даже не говорят, а только перешептываются. Не забывая, что ссоры отдаляют вас друг от друга, а слова, произнесенные на повышенных тонах, увеличивают это расстояние многократно. Не злоупотребляйте этим, потому что настанет день, когда расстояние между вами увеличится настолько, что пути обратно вы уже не найдете.

СКАНВОРД



Мунажжимлар башорати

(10–16 февраль)



Кўй. Ишхонада муваффақиятлар ва хонадонингизда ёқимли ташвишлар кутмоқда. Чоршанба янги имкониятлар ва муваффақиятлар тухфа этади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида саломатлигингизга жиддий эътибор қаратинг. Якшанба кунини ҳеч қандай ишни режалаштирмай, мароқли ҳордиқ чиқаринг.



Бузоқ. Ҳафта давомида барча ишларни тўғри тақсимланг. Акс ҳолда ҳеч бирини охирига етказолмай қолишингиз мумкин. Атрофдагилар билан арзимас нарсалар сабабли тортишмасликка ҳаракат қилинг. Дам олиш кунлари дўстлар билан учрашинг.



Эгизаклар. Бу вақтда молиявий масалаларда тежамкор бўлиб, кутилмаган харидлардан ўзингизни тийишга ҳаракат қилинг. Чоршанбани янги ишларни режалаштириш учун сарфланг. Дўстларингиздан ёрдам сўрашдан уялманг. Бўш вақтингизни сеvimли ва қадрли инсонларга бағишланг.



Қисқичбақа. Қадрдон хонадон – куч-қудрат манбаи. Бу ҳафтада оила ва иш ўртасида танлов юзага келгудек бўлса, оилавий мажбуриятларга кўпроқ аҳамият қаратинг. Яқинларингиз хизматдаги муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Улар сиз учун нафақат уйда, балки касбий фаолиятда ҳам таянч бўла олади.



Арслон. Ҳал этиб бўлмайдиган ва чигал масалалар ҳеч бир қийинчиликсиз ўз ечимини топади. Ҳафта ўртасида ҳамма ишлар силлиқ кечиб, бароридан кела бошлайди. Ўз маблағларингизни натижалли лойиҳаларга сарфланг. Дам олиш кунлари режалаштирилмаган ҳаракатлар бўлиши мумкин.



Паризод. Хизмат соҳангизга ижодий ёндашинг ва натижа бир зумда ўзини намоеён этади. Оилавий ҳаётда муаммолар юзага келиши мумкин. Шу сабабдан имкон қадар оғирроқ бўлиб, жаҳл билан иш тутманг. Вазиятни ўз назоратингизга олинг, шунда муносабатлар қисқа муддатда ўз йўлига тушиб кетади.



Тарози. Мазкур ҳафта сиз танлаган йўл тўғри ва самарадор эканини кўрсатади. Кўтаринки кайфият атрофдагилар ва яқинларингиз билан муносабатларга ижобий таъсир кўрсатади. Фикр-ўйларингизга қулоқ тутиб ҳаракат қилинг, улар чинакам йўналтирувчи куч ҳисобланади. Лекин четдан айтилган фойдали маслаҳатларни ҳам безътибор қолдирманг.



Чаён. Ҳафта давомида амалга оширилган таваккалчилик кўпинча омад келтиради. Фақат шош-машошарликка йўл қўйманг. Бу ҳафта можаролар, келишмовчиликлар ва баҳс бойлашлардан йироқ туринг. Дам олиш кунлари оила аъзоларингиз билан табиат ҳавосида сайр қилинг.



Ўқотар. Ўз устида ишлаш, тажриба орттириш учун қулай давр. Ижод, яратиб ва барпо қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бу ҳафтада ижобий натижа беради. Касбий соҳада такомиллашни истасангиз, янги нарсаларни ўргатиши мумкин бўлган инсонлар билан мулоқот қилиш тавсия этилади.



Тоғ эчкиси. Ортиқча таъсирчанлик оиладаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бор куч-шижоатингизни тортишувлар эмас, иш ва спортга сарфланг. Бундан ташқари, саломатликка жиддий эътибор қаратинг.



Қовға. Дўстлар ва яқин инсонларнинг талабларига қулоқ тутиб, руҳий кечинмаларни тушунишни ўрганинг. Агар танбеҳларга амал қилсангиз, омад ва муваффақият сиз тарафда бўлиши тайин. Боши берк кўчага кириб қолмаслик учун шош-машошарликка йўл қўйманг, ҳафта давомида можаролар, келишмовчиликлар ва баҳс бойлашлардан йироқ туринг.



Балиқ. Бу ҳафта режадаги барча юмушларни ўз вақтида бажаришга урининг. Бироқ ишга киришишдан олдин унинг нечоғлик аҳамиятли ва фойдали эканини жиддий ўйлаб кўринг. Шунда ортиқча оворагарчиликнинг олдини олган бўласиз. Ҳафтанинг иккинчи ярми иш фаолияти билан боғлиқ келишувларни амалга ошириш учун мақбул вақт.

GO'ZALLIKKA OSHUFTA KO'NGIL



Chiroqchilik Zokir aka va Baxmal opaning besh farzandi orasidan Botir tasviriy san'atga havasmand ulg'aydi. O'quvchilik paytida ham tasviriy san'at bilan shug'ullanishni kanda qilmadi. Moybo'yoqda, mo'yqalamda ishlash usullarini ustoz, rassom Rustam Lo'liyevdan o'rgandi. Tuman va viloyat tanlovlarida muvaffaqiyatli qatnashdi. Maktabni tugatgach, Qarshi Madaniyat kollejining rassom-dizaynerlik yo'nalishida tahsil oldi.

Ichki ishlar organlaridagi xizmat faoliyatini 2012-yili viloyat IIB HPB Voyaga yetmaganlarga ijtimoiy-huquqiy yordam ko'rsatish markazi navbatchisi vazifasidan boshlagan

Botir xizmat sirlarini ustoz, hozirda iste'fodagi podpolkovnik Ulug'bek G'ulomovdan puxta o'rgandi. Markazda saqlanayotgan voyaga yetmaganlar bilan ishlab, kasbiy mahoratini oshirdi. Keyinchalik viloyat IIB JXX JTSB Maxsus qabulxonasida katta nazoratchi lavozimida xizmatni davom ettirdi. Ayni vaqtda viloyat IIB M va MTTB qo'riqlash xizmati xodimi sifatida faoliyat ko'rsatayotgan safdor Botir Bozorov xizmatdan tashqari paytlarda tasviriy san'at va haykaltaroshlik bilan shug'ullanib kelmoqda.

– Bu san'at turlari inson ong-shuurini boyitish bilan birga, ruhiyatiga kuch-quvvat ham

beradi, – deydi u. – Qolaversa, insondan nozik did va kuchli tasavvurni taqozo etadi. O'z navbatida, bu xotirani kuchaytiradi. Ushbu xislatlar menga xizmat faoliyatimda juda asqatadi.

Lavhamiz qahramoni yosh xodimlarga kasb sirlarini ham o'rgatib kelmoqda. Jumladan, viloyat IIB M va MTTB qo'riqlash xizmati xodimlari – safdorlar Jahongir Yoqubov, Bahrom Shodiyevlar uni ustoz deya hurmat qilishadi.

Sodiq RAHIMOV,
o'z muxbirimiz.

Qashqadaryo viloyati.



ZAKOVAT SAVOLLARI



1. Yengil yoki og'ir bo'lishi mumkin. Lekin vaznga ega emas. Tez va asta bo'ladi, ammo yugurishga, yurishga qodir emas. U nima?

2. To'rtburchak shaklidagi xonaning har bir burchagida bittadan mushuk o'tiribdi. Har bir mushukning qarshisida uchtadan mushuk o'tiribdi. Xonada hammasi bo'lib nechta mushuk bor?

3. Tirik emas, lekin o'sadi. O'pkasi yo'q, lekin unga havo kerak. Og'zi yo'q, lekin suv uni o'ldiradi. U nima?

Ushbu savollarning javobini gazeta sahifalaridan topasiz.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir

polkovnik
Bernora SADIKOVABosh muharrir
o'rinbosarlaripodpolkovnik Azizjon FAYZIYEV
kapitan Aziza BOHODIROVA

Navbatchilar

Adolat FAYZIYEVA
Radik TUMPAROV

Mas'ul kotib

Erkin SATTOROV

Sahifalovchilar

Zokir BOLTAYEV
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar

Abu KENJAYEV
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Obuna masalalari bo'yicha:

71-231-38-74;
97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

Tahririyat hisob raqami
h/r 23402000300100001010.

Bank kodi 00014.

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot
va moliya vazirligi g'aznachiligi.Shaxsiy h/v
470010860262877031101179001

STIR 200637499.

«Kolorpak» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: 100206
Yunusobod tumani,
Yangishahar ko'chasi 1^A-uy.Gazeta O'zbekiston matbuot va
axborot agentligi tomonidan
2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam
bilan ro'yxatga olingan.Buyurtma №305.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma
taboq. 46328 nusxada chop etildi.Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart. Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

